БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 172 (403)
30 АВГУСТ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Пахтакор ўртоқлар, ғўза парваришини ҳосил етилгунча қизғин давом этдирайлик, пахта йиғим-теримига намунали тайёрланайлик! (1-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА: Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг 1955 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш даври учун тузган иш плани ҳақида (1-нчи бет).

Катта Кремль саройида шахтёрлар Кунига бағишланган тантанали мажлис (2-нчи бет).

Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхознинг ва бошланғич партия ташкилотининг 1955 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш даври учун тузган иш планлари (2-нчи бет).

С. Раҳимов, З. Муҳамеджонов. — Пойтахт олий ўқув юртларида (3-нчи бет).

САН'АТ ЯНГИЛИКЛАРИ (3-нчи бет).

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН: **Т. Унабоев, М. Мирхўжаев.** — Э'тибордан четда қолган чойхона (3-нчи бет).

Стокгольмда 13-нчи халқаро савдо-саноат ярмаркаси очилди (4-нчи бет).

Германия Демократик Республикасининг қишлоқ хўжалик делегацияси Москвага келди (4-нчи бет).

Пахтакор ўртоқлар, ғўза парваришини ҳосил етилгунча қизғин давом этдирайлик, пахта йиғим-теримига намунали тайёрланайлик!

* *

Пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик блан киришайлик

Областимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия ва ҳукумат томонидан колхоз, совхозларга кўрсатилаётган ғоят катта модий-техника ёрдамига таяниб, бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган ҳосилни сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш — пахтакорларимизнинг ватанпарварлик бурчи, барча партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифасидир.

Колхоз ва совхозларимизнинг кенг далаларида кўсаклар етилиб, очилабошлади. Ғўзаларни анча барвақт ҳосилга киритиб олган илғор колхозларнинг айрим звенолари пахта теримига тушдилар. Яна 3 —4 кундан сўнг ҳамма колхоз ва совхозларда пахта терими оммавий равишда бошланиб кетади.

Пахта йиғим-терими жуда кўп куч, оперативчилик ва зўр уюшқоқлик талаб қиладиган ҳамда сра кечиктириб бўлмайдиган мас'улиятли кампаниядир. Йиғим-теримнинг оммавий бошланишига саноқли кунлар қолган ҳозирги вақтда маҳаллий, партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз правлениелари ва совхоз дирекцияларининг бутун э'тибори ана шу кампанияни муваффақиятли ўтказиш учун ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўришга қаратилиши керак.

Областимиздаги юқори ҳосилли илғор колхозлар пахта йиғим-терими даври учун ташкилий ва оммавий ишларнинг барча тадбирларини ўз ичига олган батафсил иш плани тузиб, ҳозирнинг ўзидаёқ йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриб қўйишлар. Масалан, Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз ана шундай қилди. Область партия комитети бюроси томонидан ма'қулланган ва бугун газетамизда э'лон қилинаётган колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг иш планида бу йил пахта тайёрлаш планини 7 ноябрьга бажариш ва йиғим-терим кампаниясини қисқа муддатда уюшқоқлик блан тугаллаш тадбирлари кўзда тутилган.

Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг правлениеси ва партия ташкилоти ҳам пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик блан киришмоқда. Колхозда 14 та марказий ва 28 та дала хирмонлари қурилди. 44 та катта ва 19 та майда тарози ремонтдан чиқарилиб, бригадаларга юборилди. 650 та қанор, 450 этак тайёрлаб қўйилди. 54 арава, 10 автокачка, 6 автомашина ремонтдан чиқарилди.

Колхоз правлениеси партия ташкилоти блан биргаликда пахта йиғим-теримини ўтказиш плани ва кундалик терим графикларини ишлаб чиқди. Теримчиларнинг унумли ишлашлари учун далада маданий-маиший шароит тугдириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Дала шийпонлари ремонт қилиниб бўлди. Кўчма ясли ва болалар боқчаси ташкил этилмоқда. Колхознинг қир зонасидаги олдинги бригадаларида пахта терими бошланди.

Илғор пахтакорларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, агар йиғим-теримга пухта тайёрлик кўриб, уни ўз вақтида уюшқоқлик блан ўтказсанг ютасан, кечиксанг ютқазасан. Ўтган йили кўпгина колхозлар ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарликсиз киришдилар, бунинг натижасида йиғим-терим ишлари чўзилиб кетди, бу эса совуқ ва ёғингарчилик бошланиши блан талай миқдорда пахтанинг нобуд бўлишига олиб келди. Шунга қарамай йиғим-теримга тайёргарлик кўришда бу йил ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Айниқса Пискент, Ўртасарой, Бекобод, Янгийўл, Верхне-волинск, ва Оққўрғон районларида пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ниҳоятда суст олиб борилмоқда. Бу районларнинг кўпчилик колхозларида сушилкалар, хирмонлар, саройлар, майдончалар қуриш, қоп-қанор, этак, транспорт ва тош-тарозиларни тайёрлаш ишлари ҳаддан ташқари кечиктирилмоқда. Оққўрғон, Бўка районларида талайгина майдонларда ҳали етарли даражада ҳосил тўпланмаганлигига қарамай, кўп колхозларда ғўзаларни парвариш қилиш тўхтатиб қўйилган.

Пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўришдаги мавжуд камчиликларни тезликда тугатиб, барча майдонларда социалистик мажбуриятнинг бажарилишини та'минлайдиган даражада мўл ҳосил тўплайилар, пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўриб, уни зўр уюшқоқлик блан ўтказадилар.

*

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг 1955 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш даври учун тузган иш плани ҳақида

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг бюроси **қарор қилди:**

1. Маленков номли колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг 1955 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш даври учун тузган иш плани ма'қулласин.

2. Барча колхозларнинг правлениелари ва партия ташкилотларига ҳамма имкониятларни, мавжуд резерв ва маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг иш плани асосида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш даври учун иш плани тузиш тавсия этилсин.

Пахта тайёрлаш пунктлари мавсумга тайёр

Областимиз пахтакорлари етиштираётган мўл пахта ҳосилини қабул қилиб олишга тайёрлов пунктларининг коллективлари пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ўртасарой районидаги қорасув пахта қабул пунктида пахтани қуритиш ва тозалаш цехи қурилди. Корхона ҳозирги замон техникаси блан қуролланди. У, бир кечакундузда 144 тонна нам пахтани қуритади ва автомат усулда тозалайди. Тозаланган пахталар эса махсус машина орқали автоматик равишда қопланади ҳам транспортер орқали машинага ортилади. Пахта қуритиш-тозалаш цехи янги ҳосилни қабул қилишга тайёр.

Р. ОТАҚУЛОВ, М. МАҲКАМОВ.

* * *

Сирдар'ё районидаги Малик пахта пунктининг майдони 3,5 гектарга кенгайтирилди. 4 та тарози, 3 та омбор, 6 та пахта тойлаш майдони ремонт қилинди ва 2 ховуз янгидан қазилди. Район марказидаги Сирдар'ё пахта пунктида ҳам арава, автомашина ва тарозилар ремонтдан чиқарилиб, янги ҳосилни қабул қилишга тахт қилиб қўйилди.

Т. ХАЙДАРОВ.

* * *

Гулистон районидаги «Красная заря» пахта пунктининг коллективи янги мавсумга пухта тайёргарлик кўрди. Пункт ва лаборатория бинолари, асбоб-ускуналар, тош-тарозилар ва майдонлар сифатли ремонт қилинди. Пункт майдони кенгайтирилиб, атрофи нахса девор блан ўралди. Пунктда қизил чойхона ташкил қилиниб, турли шиорлар ва плакатлар блан яхшилаб жиҳозланди.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг а'золари пахта теримини бошлаб юбордилар. Колхознинг илғор теримчиларидан **Э. Саидазимова** ва **К. Худойбердиева** ўртоқлар кўпминг чилар мусобақасига қўшилиб, мавсумда 12000 килограммдан пахта териш мажбуриятини олдилар. **Суратда: Э. Саидазимова ва К. Худойбердиева** ўртоқлар. Колхоз раиси ўртоқ **Э. Усмонов** терилган пахтанинг сифатини текширмоқда. **М. Шевелев** фотоси.

☆ ☆

Ҳосилни ўз вақтида териб давлатга топширамиз

Колхозимиз а'золари бу йил 840 гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар. Улар давлатга ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олганлар. Бизда ғўза парвариши ҳали тугаллангани йўқ. Бу ишлар то пахта териш бошлангунча давом этади. Ба'зи ерлардаги ғўзалар, ҳатто пахта терими даврида ҳам суғорилди.

Колхозимизда ғўзанинг умумий кўриниши ёмон эмас. Лекин ўсиш ривожланиши секин бораётган, ҳосил тугиши бирмунча суст бўлган айрим участкалар ҳам йўқ эмас. Биз бу ғўзаларни алоҳида ҳисобга олиб, қўшимча тадбирларни амалга оширяётирмиз. Қатор оралари культивация қилинмоқда, чопилмоқда, бегона ўтлардан тозаланмоқда. Аммо бутун ғўзалар устида қилинаётган ишларнинг марказий ўрнида суғориш масаласи турибди. Суғориш энг нозик ва мас'улиятли иш. Шунинг учун биз ҳаммавақт ҳам ғўзани суғоришга ғоят зўр э'тибор берамиз. Суғориш ишини Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Абдумалик Шерматов бошчилигида Шермат Холматов, Холмат Насвалиев ва бошқа ўнлаб уста сувчилар ўтказмоқда.

Колхознинг Онгарбаев, Нурматова, Халилов, Мовланов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида ғўзалар ҳосил тўплаш жиҳатидан ҳаммадан олдинда. Бу бригадаларда пахта очилабошлади. Аммо ҳосилни янада ошириш мумкин. Бунинг учун ғўзаларни барги орқали озиқлантириш ҳам системали равишда ўтказилмоқда. 350 гектар ердаги ғўза иккинчи марта барги орқали озиқлантирилди.

Мўл ҳосилни етиштиришга-ю етиштирдик. Лекин бу блан ишимиз битди деб айтишга ҳечкимнинг ҳақи йўқ. Пахтачиликдаги энг мас'улиятли давр — йиғим-терим арафасида турибмиз. Бизнинг бундан кейинги асосий вазифамиз, етиштирилган мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай териб олиш ва уни давлатга топширишдир. Бу иш зўр тайёргарликни ва уюшқоқликни талаб этади. Яқинда колхоз правлениеси партия ташкилоти блан биргаликда участка, бригада ва звено бошлиқлари, активларнинг кенгашини ўтказиб, пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқди. Бизда пахта терими 5 сентябрьдан бошланади. Шунга қараб, бригадаларда ишлаш керак бўлган куч аниқланди ва колхоздаги барча ишга яроқли аҳоли ҳисобидан бригадаларга қўшимча куч биркитилди. Янгидан 30 та бричка сотиб олинди ва 30 та эски бричкалар ремонт қилиниб тахт қилинди. Пахта ташиш учун ажратилган отлар ем блан боқилмоқда. 7 та автомашина ҳам пахта ташишга тайёрланмоқда. Бундан ташқари 3 та ХТЗ-7 трактори сотиб олинди. Булар ҳам прицепкаси блан пахта ташийди.

Барча бригадаларда хирмонлар 1 сентябрьгача тайёр қилиниб, кўрикдан ўтказилади. Шунга ўхшаш 40 та тарози ҳам ремонтдан чиқарилиб, бригадаларга юборилди. Ҳозиргача пахта тайёрлаш пунктидан 1000 та қоп ва 300 та этак олдик. Шу кунларда яна қоп ва этак оламиз.

Теримчиларга моддий-маиший ва маданий хизматни яхшилаш учун жиддий чоралар кўрилмоқда. Дала шийпонлари ремонтдан чиқарилиб, муносиб жиҳозланмоқда. Умумий овқатланиш учун зарур бўлган асбоблар ҳам тахт қилинаётир. Болалар боқчаси, яслилар теримчиларнинг болаларини тарбиялашга ҳозирланмоқда. Шундай қилиб, колхозимиз а'золари пахтани ўз вақтида териб давлатга топшириш учун астойдил харакат қилмоқдалар.

О. НОРМАТОВ,

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг раиси.

*

Пахтани танлаб теришга киришилди

БЕКОБОД, (ЎзТАГ). Бекобод районидаги 3-нчи сон «Далварзин» совхозининг коллективи пахтани танлаб теришга киришди. Янги агротехникани татбиқ этиш ва ғўзани табақалаштириб парвариш қилиш ҳосилнинг эрта етилишига ёрдам берди.

Биринчи куни далаларда юздан ортиқ киши ишлади. Улар 10 тоннадан ортиқ юқори сифатли «оқ олтин» тердилар.

КПСС XX с'езди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, кўп пахтакорлар ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб, мавсумда 7 — 10 тоннадан пахта теришга ва'да бердилар. Масалан, тажрибали теримчи Ш. Қулдошева мавсумда 15 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олди.

Пахта териш машиналарининг ремонти кечикмоқда

Бу йил Ўртачирчиқ районидаги 1-нчи МТС зонасидаги колхозларда 3 минг 200 гектар ердаги пахта бир марта, 2 минг 100 гектар ердаги пахта 2 марта машина блан терилиши керак. Умуман олганда машиналар блан 4 минг 200 тонна пахта териб берилиши лозим. Бу — МТС раҳбарларидан пахта териш машиналарини ўз вақтида ремонтдан чиқариш, айрим машиналарни тўрқаторлаб ўстирилган ғўзалар пахтасини теришга мослаштириш, шунингдек йиғим-терим даврида учрайдиган айрим нуқсонларни тезда бартараф қилишда зарур бўладиган запас қисм ва детальларни ўз вақтида тайёрлаб қўйишни талаб этади.

Брок, МТСда ҳозир пахта териш машиналарини ремонт қилиш ишлари талабга жавоб бераётган даражада уюштирилмаган. Ма'лумки, пахта терим даврига саноқли кунлар қолди. Шунинг учун бутун куч ва моддий-техника воситаларини тўла сафарбар этиб, пахта териш машиналари ремонтини ҳартомонлама кучайтириб юбориш зарур. Афсуски, 114 терим машинасининг фақат 5 таси ремонтдан чиқарилди, 38 та машина запас қисмлар: фланец, яримўқ ва шунга ўхшаш бирқатор қисм ва детальлар етишмаганлиги учун қўлдан чиқмай турибди.

Пахта териш машиналари ремонтининг ёмон уюштирилганини яна шу блан тасдиқлаш мумкинки, ремонтда фақат 12 киши ишламоқда. Бу — МТС раҳбарларининг пахта териш машиналари ремонтига панжа остидан қараётганликларини кўрсатади. Агар иш шу хилда давом этадиган бўлса, терим мавсумигача машиналарнинг тайёрланиши хавф остида қолади. Бошқача қилиб айтганда МТС зонасидаги колхозларда бу йил ҳам пахтани машина блан териш плани барбод бўлиши мумкин. Ўртачирчиқ район партия ва совет ташкилотлари 1-нчи МТСда пахта териш машиналарининг ремонти блан қизиқишлари, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тезда бартараф этиб, етиштирилган ҳосилни ҳеч бир нобуд қилмай ўз вақтида териб олиш чораларини кўришлари керак.

Т. ЙЎЛДОШЕВ, Р. ЯФИСОВА.

БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

29 августда Тошкентда боғдорчилик ва узумчилик масалаларига бағишланган республика кенгаши очилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети томонидан чақирилган кенгашда илғор колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, илмий-текшириш муассасаларининг вакиллари, партия ва совет органларининг вакиллари бўлиб, ҳаммаси 400 га яқин киши қатнашмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Муҳиддинов қисқа кириш нутқи сўзлаб кенгашни очди.

Биринчи ялпи мажлисда республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари Қ. Р. Раҳимов «Ўзбекистон ССРда боғдорчилик ва узумчиликни тиклаш ҳамда янада юксалтириш тўғрисида» доклад қилди. Доклад юзасидан қизғин музокаралар бошланди.

Кенгаш бирнеча кун давом этади. (ЎзТАГ).

Верхне-волинскда тайёргарлик ишлари суст

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг республикамизнинг барча пахтакорларига қарата ёзган Мактубидан илҳомланган Верхне-волинск районидаги қатор илғор колхозларнинг а'золари ҳосилга-ҳосил қўшишда ҳарбир кундан унумли фойдаланиб, ғўза парваришини изчиллик блан давом этдираётирлар. Улар меҳнатни тўғри ташкил этиб, ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, куч ва механизациядан унумли фойдаланган ҳолда ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплашга эришдилар.

Шу блан бирга бу колхозларнинг меҳнатсевар а'золари йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат самарасида етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини бошлаб юбориш учун пухта тайёргарлик кўриб, мавсум учун зарур бўлган барча материал-техник воситаларини тахт қилмоқдалар.

Районнинг Карл Маркс номли, Свердлов номли, Куйбишев номли, Максим Горький номли илғор колхозларида пахта хирмонлари ўз вақтида сифатли қилиб тайёрланди. Пунктлардан олиниши лозим бўлган қоп-қанорлар, этаклар келтирилиб бригада ва звеноларга тақсимланди, катта-кичик тарозилар, юк машиналари тўла-тўкис ремонтдан чиқарилди. Шунингдек ҳар бригадада пахта ташиш учун 2 — 3 тадан арава ҳам тайёрланди. Бу колхозларда кўрилган анашундай тадбирлар пахта теримини ўз вақтида бошлаш ва терилган пахталарни пешма-пеш давлатга топшириш имкониятини беради.

Лекин райондаги ҳамма колхозларда ҳам пахта йиғим-теримига тайёргарлик шу хилда олиб борилаётир деб бўлмайди. Айрим колхоз раҳбарлари «ҳали вақт эрта, шошилмасак ҳам бўлаверади», деган нотўғри йўл тутиб, бу муҳим соҳани унутиб қўймоқдалар. Улар мавжуд ишчи кучларини жой-жойига қўйиб, улардан тўла ва унумли фойдаланган ҳолда ғўза парваришини ҳам, пахта теримига тайёрлик кўришни ҳам қизитиб юбориш ўрнига фақат биртомонлама иш қилаётирлар. Райондаги Калинин номли, Энгельс номли, Ленин номли, Маленков номли, Андреев номли колхоз раҳбарларининг иш услуби худди ана шундай. Бу колхозларда пахта хирмонларини тайёрлаш жуда суст бораётир. Айрим ҳолларда мас'улиятсизлик натижасида хирмонлар нотўғри режаланиб, юзаки — «хўжа кўрсинга» сувалиб, улар мутлақо талабга жавоб бермайди. 1 сентябрьдан бошлаб пахтани терабошлаш мумкин. Шунга қарамай бу колхозларнинг биронтаси ҳам қоп-қанор, этакларни тайёрламаган. Бу ҳақда Шўрўзак пахта тайёрлаш пунктининг мудири А. Мирзаев блан суҳбатлашсангиз, у:

— Биз заводдан аллақачон қоп-қанорларни келтирганмиз. Колхоз раҳбарлари буни яхши биладилар. Уларни бирнеча марта огоҳлантирдик. Лекин қоплар олиб кетилмаётир — дейди.

Маленков номли колхозда 11 та катта тарози, 11 та қўл тарози ремонт қилиниши керак. Лекин бу иш ҳечкимнинг эсига келмайди. Калинин номли, Энгельс номли, Андреев номли колхозларда ҳам аҳвол шундай. Колхоз раҳбарларининг ўтакетган даражада совуққонлик блан қараши натижасида пунктдан юборилган тарози усталари бекор юриб, қайтиб кетишга мажбур бўлганлар.

Бу колхозларда терилган пахтани ташиш учун транспорт воситаларини тахт қилиб қўйиш масаласига ҳам э'тибор берилмаётир. План бўйича «Победа» колхозида 6 та юк машинаси, 30 та арава пахта ташиши керак. Лекин колхоз раҳбарлари ишга бармоқ орасидан қараганликлари учун энди атиги 3 та автомашина ремонтдан чиқарилган. Қолган 3 таси эса бузуқлигича гаражда ётипти. 30 та араванинг ярмидан кўпи ишга ярамайди.

Район раҳбарлари колхоздан олинган сводкаларга ишониб «бизда теримга пухта тайёргарлик кўрилаётир» дейдилар. Улар колхозлдаги ҳақиқий аҳвол блан чуқурроқ танишиш ўрнига, сводка ма'лумотлари блан хотиржам бўлиб юришмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар «бизда шунча тарози бор» дейдилар-у, лекин бу тарозиларнинг кўпи бузуқлигини, сводкада кўрсатилган машиналарнинг ҳали ремонтдан чиқарилмаганлигини билмайдилар.

Колхозларнинг кўпчилигида ҳалига қадар пахта териш мавсуми плани, графиги тузилмаган. Ўнмингчилар, етти мингчилар тўғрисидаги гап, фақат оғизда. Кўпмингчилар ҳаракати идеясини кенг тушинтириб оммалаштириш, звено, бригадалар ўртасида социалистик мусобақа ташкил қилиш каби амалий ишлар ҳечкимнинг эсига келмайди. Бу ҳақда Молотов номли, колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Н. Хусайнов блан гаплашсангиз, у:

«Мен ҳозир дала ишлари блан банд бўлиб юришман. Раисимиз, сиз ҳозир менга ёрдамлашиб туринг, 3 — 4 кундан кейин мен сизга кўмаклашаман деган» деб, кулгили гапни айтади.

Хўш бу колхознинг раҳбарлари дала ишлари блан банд эканлар, ғўза парвариши қониқарли даражада олиб борилаётирми? Мутлақо йўқ. Тўғриси улар ғўза парвариши ниқоби остида пахта йиғим-теримига тайёргарликни барбод бераётирлар. Бундай аҳволни Калинин номли колхозда ҳам кўрамиз. Колхознинг кўпчилик бригадаларида ғўзаларни ғумай ва бошқа ўтлар босиб кетган. Ўнлаб гектар ердаги ғўза сувсизликдан қақрамоқда. Қаторораларни мутлақо ишланмай қўйилган. Қани ғўза парвариши блан банд бўлиш?

Ма'лумки, ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси—ғўза парваришини пахта йиғим теримига пухта тайёргарлик кўриш блан маҳкам боғлаб олиб боришдан иборат. Верхне-волинск район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари колхозлардаги аҳволни чуқур ўрганишлари, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тезда бартараф қилиб, етиштирилган ҳосилни ҳечбир нобуд қилмай ўз вақтида териб олиш чораларини кўришлари керак.

У. ЖОНГИТОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхознинг 1955 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш даври учун тузган

ИШ ПЛАНИ

Маленков номли колхоз а'золари КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун астойдил курашиб, бу йил 800 гектар ерга чигит экдилар ва барча майдонларда мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Колхоз а'золари колхоз бўйича ҳарбир гектар ердан давлатга 39 центнердан, шу жумладан ўртоқ Каримов бошлиқ 2-нчи бригада а'золари 73 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан, ўртоқ Абдукаримов бошлиқ 4-нчи бригада а'золари 55 гектар ернинг ҳар гектаридан 43 центнердан ва ўртоқ Қодиров бошлиқ 11-нчи бригада а'золари 60 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 43 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганлар.

Колхоз а'золари ҳосил тўплаш юзасидан олиб борилаётган ишларни давом эттириш блан бир қаторда пахта йиғим-теримига тайёрлик ишларини ҳам қизитиб юбордилар. Мавжуд имкониятларни тўлатўкис ҳисобга олиш ва бу имкониятлардан фойдаланишни яхши ташкил этиш мақсадида колхоз правлениеси партия ташкилоти ва активлар блан биргаликда етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва уни давлатга топшириш даври учун иш плани тузиб чиқди. План колхоз а'золарининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб тасдиқланди.

I. ЙИҒИМ-ТЕРИМ ИШЛАРИНИ УТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КУРИШ

1) Терилган пахтани қабул қилиб олиш учун бригадаларда 14 та марказий ва 60 та кичик хирмонлар ташкил қилинади. Хирмонлар 1955 йил 1 сентябрьгача тайёрланиб, ремонтдан чиқарилади.

2) Ҳарбир марказий хирмон битта катта тарози ва далада соатлик график асосида терилган пахтани қабул қилиб олиш учун ҳарбир бригада иккита шайнилик тарози блан та'минланади. Тарозиларни тахт қилиб қўйиш ва уларни хирмон ҳамда бригадаларга 1955 йил 1 сентябрьдан кечиктирмай юбориш колхоз завхози ўртоқ Пирматовга юклатилади.

3) Терилган пахталар ташиладиган барча йўллар, шунингдек кўприклар 1955 йил 5 сентябрьгача тўла равишда ремонтдан чиқарилади. Йўл ва кўприкларни ремонт қилиш полеводлар бошчилигида далачилик бригадаларига топширилади.

4) Пахта йиғим-терими даврида колхозчиларни этак блан тўла та'минлаш мақсадида 1955 йил 1 сентябрьгача 1000 та этак ва терилган пахтани ташиш учун 1000 та қоп-қанор тайёрланади. Этак ва қоп-қанорларни ўз вақтида тайёрлаб қўйиш вазифаси колхоз экспедитори ўртоқ Раҳимжоновга топширилади.

5) Терилган пахтани ташиш учун 9 автомашина ва 30 автокачка колхоз транспорт бригадаси ихтиёрига ажратиб берилади. Барча автомашина, автокачка ва аравалар 1 сентябрьдан кечиктирилмай ремонтдан чиқарилади. Пахта ташишда фойдаланиш учун 65 от ажратилади ва 10 сентябрьгача боқувга қўйиб, дам олдирилади. Бу ишларни бажариш гараж мудири Нечаев ва завхоз Пирматов ўртоқларга юклатилади.

II. ПАХТАНИ ТЕРИШ ВА УНИ ДАВЛАТГА ТОПШИРИШ

Колхозда бу йилги пахта ҳосилини териш сентябрь ойининг биринчи кунларида ёппасига бошланиши, давлатга сентябрь ойида йиллик планнинг 42 проценти, октябрь ойида — 52 проценти ва ноябрь ойининг 1-нчи беш кунлигида 6 проценти миқдорида пахта топширилиши керак. Шунга мувофиқ пахта терими қуйидаги график блан олиб борилади:

Пахта териш графиги

(йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Ойлар	Беш кунликлар	Тайёрланган пахта (процент ҳисобида)	мавсум бошидан
Сентябрь	II	6	6
	III	7,7	13,7
	IV	8,3	22
	V	10	32
	VI	10	42
Октябрь	I	11	53
	II	11	64
	III	10	74
	IV	9	83
	V	6	89
	VI	5	94
Ноябрь	I	6	100

Бу графикни бажариш учун:

а) колхоздаги барча ишга яроқли кучнинг 85—90 проценти бевосита пахта теримига жалб этилади. Терим соатлик график асосида уюштирилиб, кунлик иш тартиби қуйидагича белгиланади:

Эрталаб соат 6 да ишга чиқиш;

Эрталаб соат 8 яримдан 9 гача эрталабки чой ичиш;

Кундуз соат 14 дан 15 гача тушки овқатланиш;

б) пахта сортларга ажратиб терилади, отбор сорт пахта терганларга қўшимча ҳақ тўланади. Шу блан бирга теримда сортларни аралаштириб юборган ва дам пахтани терганларга нисбатан тегишли чора кўрилади;

в) пахта теримида меҳнатнинг тўғри уюштирилишига қат'ий э'тибор қилинади. Мавсумнинг айрим даврлари ҳамда пахтанинг очилиш даражасига қараб терим нормалари вақти-вақти блан қайта кўриб чиқилади; ҳарбир теримчининг терган пахтаси ва нормани бажариши кунига ҳисобга олиб борилади;

г) белгиланган нормага мувофиқ мавсумда ҳарбир колхозчи 3—4 тоннадан, ма'мурий идора ходимлари, шунингдек бошқа ишларда ишловчи колхозчилар ҳамда колхозда а'зо бўлмаган аҳоли оилаларининг а'золари бир тоннадан пахта териб беришлари керак. Теримчиларнинг нормаларини бажаришларига қараб, уларга ҳар 10 кунда ишлаган ҳарбир меҳнат куни учун 4 сўмдан пул ва 1,5 килограммдан галла аванси бериб борилади;

д) ҳар куни терилган пахтани қуритиб, давлатга тўла топширишни та'минлаш мақсадида колхозда мавжуд бўлган бир газ, 14 та корейс ва 3 та электр сушилкалари ремонтдан чиқарилади ҳамда яна битта газ сушилкаси қурилади. Бу ишни колхознинг қурилиш бригадаси бажаради.

III. ПАХТАНИ МАШИНА БЛАН ТЕРИШНИ УЮШТИРИШ

Колхозда бу йил 180 гектар майдондаги пахта ҳосили 2 марта машина блан терилади ва ҳаммаси бўлиб 450 тонна пахтани машина блан териб олиш планлаштирилади. Бунинг учун МТС колхозга 6 та пахта териш машинаси ажратади.

Пахтани машина блан теришни тўғри уюштириш учун:

а) пахтаси машина блан териладиган участкаларни бригада бошлиғи, давлат агрономи ва механик-ҳайдовчилар блан биргаликда 1955 йил 1 сентябрьгача ажратиб, аниқлаб қўйилади ва механик ҳайдовчиларга биркитилади;

б) пахтаси машина блан териладиган барча майдонларда ғўзанинг барги сун'ий равишда тўкилади ва машина блан 1-нчи терим 15 октябрьгача, 2-нчи терим эса 1 ноябрьгача тугалланади;

в) машинада терилган пахтани тозалаш учун зарур бўлган кўрак чувиш машиналари 10 сентябрьгача тозалаш хирмонларига юборилади;

г) пахта териш машиналарининг унумли ишлаши учун терим вақтигача далалар бегона ўтлардан тозаланади, охирги суғоришдан кейин ўқариқ ва вақтли ариқлар кўмиб текисланади.

IV. КОЛХОЗЧИЛАРГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КУРСАТИШ ВА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ

1) Колхоздаги 14 та дала шийпони 5 сентябрьгача пахта йиғим-терими даври учун қайта жиҳозлаб, ускуналанади. Радио аппаратлари ва электр линияларининг равон ишлаши та'минланади. Дала шийпонларида кўрсатгич тахталари ташкил қилиниб, унга мунтазам равишда теримчиларнинг кундалик иш якунлари ёзиб борилади.

2) 5—7 та 15 мингчи теримчилар ҳаракати бу йил янада кучайтирилади. Теримчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилади.

3) Фотовитрина ташкил қилиниб, унга ҳар 5 кунда илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг, илғор бригада ва звено бошлиқларининг расмлари қўйиб борилади. Энг яхши бригада ва звеноларга бериш учун кўчма Қизил байроқлар ҳам та'сис этилади ва бу байроқлар ҳар 5 кунда уларга бериб борилади.

4) Пахта йиғим-терими даврида пахта теришда бевосита иштирок этаётган колхозчиларга маданий-маиший шароит яратишга алоҳида э'тибор берилади; колхозда марказий болалар боқчаси ва ҳарбир бригадада вақтинча ишловчи болалар яслилари ташкил этилади. Марказий болалар боқчаси ва кўчма яслилар ишини яхшилашга алоҳида э'тибор берилади.

5) Дала шийпонларида иссиқ овқат ташкил қилинади. Теримчилар эрталабки нонушта ва тушки овқат блан та'мин этилади. Овқатнинг сифатли бўлишига алоҳида э'тибор берилади.

V. КУЗГИ ИШЛАР

1) Терим планига мувофиқ 5, 8, 11, 12 ва 13-нчи бригадаларда пахтани йиғиб-териб олиш ва тозалаш 10 ноябрьгача, қолган бригадаларда эса 20 ноябрьгача тамомланиши ҳамда дарҳол кузги шудгорлаш бошланиши керак. Кузги шудгорлашнинг МТС блан келишиб тузилган графикка биноан 15 декабрьгача тамомланиши та'минланади.

2) Ҳозир 450 тонна силос босилган бўлиб, планга мувофиқ яна 350 тонна силос бостириш керак. Аммо силос кўпроқ тайёрланиши лозим. Шунинг учун яна 550 тонна силос бостирилади. 1955 йил 1 октябрьгача барча майдондаги маккажўхори ўрилиб, силосланади. Шу муддат ичида 150 гектар ердаги беданинг 4-нчи ўрими ҳам тугалланади.

3) 1 октябрьгача 17 гектар ердаги қовун-тарвуз, 20 октябрьгача 32 гектар ердаги картошка, 1 ноябрьгача 18 гектар ердаги хашаки лавлаги, 15 ноябрьгача 10 гектар ердаги сабзавотлар йиғиб олинади.

4) 1 ноябрьгача битта сигирхона ва битта чўчқахона қурилиши тугалланиб, фойдаланишга берилади.

БУ ПЛАН КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг 1955 йил пахта йиғим-терими даври учун тузган

ИШ ПЛАНИ

Етиштирилган мўл пахта ҳосилининг бир граммини ҳам нобуд қилмай ўз вақтида йиғиб-териб олиш, олган социалистик мажбуриятни ошириб бажариш ҳамда пахта йиғим-теримини уюшқоқлик блан ўтказиш мақсадида Маленков номли колхоз бошланғич партия ташкилоти пахта йиғим-терими даври учун тузилган қуйидаги планни қабул қилди.

I. ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

1. Партия бюроси мажлисларида муҳокама қилинадиган масалалар

1) 1955 йил 5 сентябрьдаги мажлис

а) колхоз боқча ва яслиларининг иши ҳамда уларнинг пахта йиғим-терими давридаги вазифалари ҳақида боқча мудираси ўртоқ Азимованинг докладини эшитиш;

б) пахта йиғим-терими даврида агитколлективнинг вазифалари ва агитпунктнинг пахта йиғим-терими даври учун тузилган иш планини муҳокама қилиш (докладчи агитпункт мудири ўртоқ Норимов).

2) 1955 йил 7 октябрьдаги мажлис

а) КПСС а'золигига кандидатлар ва комсомоллар блан ишлашнинг бориши ҳақида партия бюросининг секретари ўртоқ Усмоновнинг докладини эшитиш.

б) коммунистларга берилган партия топшириқларининг бажарилиши ҳақида Бекмуҳамедов, Э. Эгамбердиев ва Жўраев ўртоқларнинг ахбороти;

3) 1955 йил 25 октябрьдаги мажлис

а) колхоз радиоузели ва кутубхонасининг иши ҳақида ўртоқ Муҳиддиновнинг докладини эшитиш;

б) колхозда ҳар ойда бир марта чиқариладиган деворий газета ва бригадаларда ҳар ҳафтада бир марта чиқариладиган «Жанговар варақа»ларнинг иши ҳақида «Колхозчилар овози» деворий газетасининг редактори ўртоқ Худойбергановнинг докладини эшитиш:

4) 1955 йил 5 ноябрьдаги мажлис

а) Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллигини кутиб олиш, жойларда лекция ва суҳбатлар ўтказиш ҳамда уюштириш ҳақида партия бюросининг секретари ўртоқ Усмоновнинг докладини эшитиш;

б) комсомол документларини алмаштиришга тайёрлик кўришнинг бориши ҳақида комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Муҳиддиновнинг докладини эшитиш.

5) 1955 йил 29 ноябрьдаги мажлис

а) колхозчилар ўртасида агитация-пропаганда ишларининг қандай олиб борилаётганлиги ҳақида агитаторлардан Саидаҳмедов, Камчурина ва Далабоев ўртоқларнинг докладини эшитиш;

б) партия маорифи шоҳобчаларида машғулотларнинг бориши ҳақида пропагандист ўртоқ Раҳмоновнинг докладини эшитиш.

2. Партия йиғилишларида муҳокама қилинадиган масалалар

Сентябрь, октябрь ва ноябрь ойларида партия йиғилишларини ўтказиш ҳамда бу йиғилишларда қуйидаги масалаларни муҳокама қилиш:

1) 1955 йил 7 сентябрьдаги йиғилиш

а) пахта йиғим-терининг бориши ва йиғим-теримни ўтказиш ҳақида (докладчи колхоз раиси ўртоқ Эгамбердиев),

б) пахта йиғим-теримида коммунист ва комсомолларнинг авангардлик ролини та'минлаш ҳақида партия бюросининг секретари Усмонов, комсомол ташкилотининг секретари Муҳиддинов ўртоқларнинг докладини эшитиш.

2) 1955 йил 22 сентябрьдаги йиғилиш

а) пахта терими илғорларининг тажрибасини оммалаштириш ҳақида колхоз агрономи Азимов ва 2, 12-нчи бригада бошлиқлари Каримов ҳамда Мурватов ўртоқларнинг докладларини эшитиш;

б) колхозда 1955 йилда чорва туёғи планининг, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планининг бажарилиш якунлари ҳақида колхоз раиси Эгамбердиев ва ферма мудири Раҳмонов ўртоқларнинг ҳисоботини эшитиш.

3) 1955 йил 10 октябрьдаги йиғилиш

а) партия маорифи шоҳобчаларида 1955/56 ўқув йилига тайёргарлик кўришнинг бориши ҳамда уни уюшқоқлик блан бошлаб юбориш ҳақида партия бюросининг секретари Усмонов ва пропагандистлар Раҳимов, Маҳкамов ўртоқларнинг докладини эшитиш;

б) пахта йиғим-терими даврида агитколлективнинг вазифалари ҳақида (докладчи партия бюросининг секретари ўртоқ Усмонов);

4) 1955 йил 22 октябрьдаги йиғилиш

а) пахта териш ва уни давлатга топшириш бўйича октябрь ойи графигининг бажарилиши ҳақида колхоз агрономи Азимов, 8 ва 14-нчи бригадаларнинг бошлиқлари Ўртаев, Нурилбоев ўртоқларнинг ҳисоботини эшитиш;

б) пахта йиғим-терими даврида колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва пул ҳамда натура авансларининг бериб борилиши ҳақида колхоз бош бухгалтери ўртоқ Исматуллаевнинг докладини эшитиш.

5) 1955 йил 4 ноябрьдаги йиғилиш

а) пахтани териш ва уни давлатга топширишнинг бориши ҳақида ҳосилот советининг раислари Шарипов ва Собиров ўртоқларнинг докладини эшитиш;

б) колхоз комсомол ташкилотининг иши ҳақида комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Муҳиддиновнинг докладини эшитиш.

6) 1955 йил 25 ноябрьдаги йиғилиш

а) колхозда чорвачилик биноларини қишга тайёрлаш ҳамда чорва моллари учун ем-хашак ва силос тайёрлаш планларининг бажарилиши ҳақида колхоз раиси ўртоқ Эгамбердиевнинг докладини эшитиш.

II. ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР

Пахта йиғим-терими даврида ҳар 10 кунда бир марта агитаторларнинг семинари ўтказиб турилади, унда энг яхши агитаторларнинг иш методлари оммалаштириб борилади.

1955 йил 2 сентябрьда агитаторларнинг йиғилиши ўтказилади. Бу йиғилишда район партия комитетининг МТС зонаси бўйича инструктори ўртоқ Исломовнинг «Пахта йиғим-терими даврида агитаторларнинг вазифалари ҳақида»ги доклади эшитилади.

Агитаторларнинг ёрдами блан колхозчилар ўртасида социалистик мусобақанинг якунлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, колхозчиларни кундалик газета материаллари блан хабардор қилиб бориш ҳамда кўргазмали агитацияни яхшилаш тадбирлари амалга оширилади.

Сентябрь ойининг охирида йиғим-терим ишларининг бир ойлик якуни ва октябрь ойида қилинадиган ишлар ҳақида колхозчиларнинг умумий мажлиси ўтказилади.

1. Колхозчилар ўртасида ўтказиладиган суҳбатлар тематикаси

1) 1955 йил 15 сентябрьгача — партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорларга ёрдами ва гамхўрлиги, деган темада.

2) 1955 йил 25 сентябрьгача — олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун кураш — ҳарбир колхозчининг ватанпарварлик бурчидир, деган темада.

3) 1955 йил 5 октябрьгача — қишлоқ хўжалик артели Устави — колхоз ҳаётининг ўзгармас қонунидир, деган темада.

4) 1955 йил 20 октябрьгача — Совет давлати пахтакорларга нималар берди? деган темада.

5) 1955 йил 5 ноябрьгача — юқори ҳосил усталари, деган темада.

6) 1955 йил 25 ноябрьгача — биз социалистик мажбуриятларимизни қандай бажармоқдамиз, деган темада.

2. Колхозчилар ўртасида ўтказиладиган лекциялар тематикаси

1) 1955 йил 12 сентябрьда — Совет давлатининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун қилаётган гамхўрликлари, деган темада (лектор район партия комитетининг пропагандисти ўртоқ Аҳмадхўжаев).

2) 1955 йил 17 октябрьда — халқаро аҳвол ҳақида (лектор область лекция бюросининг лектори ўртоқ Асқаров)

3) 1955 йил 3 ноябрьда — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги ҳақида (лектор 34-нчи мактаб ўқитучиси ўртоқ Раҳимов)

4) 1955 йил 28 ноябрьда — Дин — халқ учун афюндир, деган темада (лектор область лекция бюросидан келади).

5) 1955 йил 5 сентябрьгача бригадалардаги дала шийпонларини пахта йиғим-терими даврига қайта мослаштириш: плакат, шиорлар блан безатиш, библиотечкалар ҳамда кўргазмали тахталар ташкил қилиш (бу ишларнинг амалга оширилиши учун жавобгарлик Усмонов ва Эгамбердиев ўртоқларга юклатилади).

6) Колхозда ҳар ойда бир марта «Колхозчилар овози» деворий газетасининг янги сонини 2 нусхада чиқариш ва бригадаларда ҳар ҳафтада бир марта «Жанговар варақа»лар чиқариб туриш та'минланади (бунинг учун жавобгарлик Усмонов ва деворий газета редактори Худойбергановга ўртоқларга юклатилади).

7) Бригада ва звеноларга ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлиги ҳар 10 кунда бир марта партия ташкилотида муҳокама қилиниб турилади ва унинг якуни ҳақида мунтазам равишда радиоузел орқали хабар қилиб борилади.

8) Бригада ва звеноларга бериш учун 2 та кўчма Қизил байроқ та'сис этилади ва бу байроқлар ҳар 5 кунлик ишнинг якунига қараб илғорларга топширилади.

III. КОЛХОЗЧИЛАРГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КУРСАТИШ

Колхоз правлениеси орқали тубандаги тадбирларни амалга ошириш планлаштирилди:

1) Далачилик ва трактор бригадаларининг а'золари учун ҳар куни 2 марта иссиқ овқат ташкил қилиш (бу иш колхоз раиси ўртоқ Эгамбердиевга юклатилади)

2) Далачилик бригадаларида болалар кўчма яслисининг доимий ишлашини та'минлаш.

3) Колхозчиларга ҳар ҳафтада бир марта кино кўрсатиш ва ҳар ойда бир марта концерт қўйиб беришни та'минлаш (бу иш Эгамбердиев ва Усмонов ўртоқларга юклатилади).

БУ ПЛАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Катта Кремль саройида шахтёрлар Кунига бағишланган тантанали мажлис

28 августда совет халқи умумхалқ байрами бўлган шахтёрлар Кунини нишонлади. Шахтёрлар Куни арафасида Кремльда пойтахт партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари вакилларининг, СССР Кўмир саноати министрлиги ва Кўмир саноати корхоналарини қуриш министрлиги ходимларининг тантанали мажлиси бўлди.

Кечқурун соат 6. Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, Н. Г. Первухин, М. А. Суслов ўроқлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарьлари А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, Д. Т. Шепилов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Ф. Тевосян, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. М. Пузанов, меҳнаткашлар депутатлари Москва область Совети ижроия комитетининг раиси А. П. Волков, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари И. Т. Марченко, ВЦСПС раисининг ўринбосари Л. Н. Соловьев, СССР министрлари, кўмир саноатининг новаторлари ва бошқалар қизғин қарсаклар остида президиумга чиқиб ўз жойларига ўтирадилар.

Тантанали мажлисининг фахрий президиумини КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'золаридан иборат қилиб сайлаш тўғрисидаги таклифни мажлисдагилар гулдурос қарсаклар блан кутиб олдилар.

СССР Кўмир саноати министри А. Н. Задемидко шахтерлар Куни тўғрисида доклад қилди.

Тантанали мажлисда ВЦСПС Раисининг ўринбосари ўртоқ Л. Н. Соловьев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ В. Е. Семичастний табрик нутқи сўзладилар. Чехословакия Республикасининг ва Польша Халқ Республикасининг шахтерларидан келган табрикномалар ҳам ўқиб эшитдирилди. (ТАСС).

Ўзбекистонда шахтёрлар Кунининг байрам қилиниши

Ўзбекистон меҳнаткашлари шахтерлар Кунини кенг нишонладилар. Корхоналарда ва муассасаларда кўмир саноатининг ривожланиши тўғрисида, республика шахтерлари эришган муваффақиятлар ҳақида лекциялар ва суҳбатлар ўтказилди.

Байрам арафасида Тошкент кончилик техникумининг клубида шахтерлар Кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. «Средазуголь» комбинатининг бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Д. Лебедков Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ва бошқа республикалар кўмир саноати ишчилари ҳамда мутахассисларининг муваффақиятлари тўғрисида гапирди. Бешйиллик йиллари ичида комбинат корхоналари кўмир комбайнлари блан, кучли экскаваторлар, транспортерлар блан ва бошқа хил техника блан та'минланди. Буларнинг ҳаммаси кўмир қазиб чиқариш, ташиш ишини ва бошқа кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни тўла равишда механизациялаштириш имконини берди.

Ўзбекистон кончилари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашиб, ўзларининг байрамини меҳнат соҳасида янги ғалабаларга эришиш блан кутиб олдилар. Улар саккиз ойлик топшириқни муддатидан олдин бажариб, пландан ташқари неча ўнгмингларча тонна ёқилғи бердилар.

Республика шахтерлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорига жавобан 1955 йил программасини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар.

Тошкент, Оҳангарон шаҳарларидаги ва республиканинг бошқа шаҳарларидаги маданият ва истироҳат паркларида, клубларда ва Маданият саройларида оммавий халқ сайллари ва кечалар бўлди. (ЎзТАГ).

Тошкент шаҳар Советининг сессияси

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бешинчи сессияси бўлди.

Сессия мандат комиссиясининг раиси депутат А. Қодировнинг уч сайлов округидан чиқиб кетган депутатлар ўрнига шаҳар Советига ўтказилган сайлов ҳақида докладини тинглади. Сайловлар 344, 375 ва 644-нчи сайлов округларида ўтказилди. Бу округларда Р. Ғуломов, С. Нуриддинов, В. Петров ўртоқлар депутат қилиб сайландилар.

Сессия сайланган уч депутатнинг ҳаммаси ҳақидаги ваколатни якдиллик блан тўғри деб топди.

Сўнгра сессия ташкилий масалаларни кўрди. Ҳ. Юсупова ўқишга кетганлиги учун сессия уни Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилди.

Депутат Р. Ғуломов Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Ўртоқ М. Турсунов бошқа ишга ўтганлиги муносабати блан сессия уни шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди. Депутат Х. Мусахонова шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари қилиб сайланди.

Тошкент шаҳрида капитал қурилиш ишлари кенг миқ'ёсда олиб борилаётганлиги сабабли сессия шаҳар Совети ижроия комитети раисининг шаҳарда капитал қурилиш ишлари бўйича ўринбосари бўлишини мақсадга мувофиқ деб топди. Шаҳар совети ижроия комитети раисининг ўринбосари қилиб депутат В. Скребнев сайланди.

Сессия В. Косиновни шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди ва уни шаҳар Совети ижроия комитети маҳаллий ва ёқилғи саноати бўлимининг мудири қилиб тасдиқлади. Ўртоқ Тарасова бошқа ишга ўтганлиги муносабати блан маҳаллий ва ёқилғи саноати бўлимининг мудири вазифасидан озод қилинди.

Ўқитучиларнинг август кенгашлари

26—27 август кунлари Тошкент шаҳрининг барча районларида ўқитучиларнинг август методик кенгашлари бўлиб ўтди. Кенгашларнинг биринчи ялпи мажлисларида 1954—55 ўқув йилининг якунлари ва янги ўқув йилида та'лим-тарбия ишларини яхшилаш блан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди. Иккинчи кунда эса секция ишлари олиб борилди. Сўнгра кенгашда кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДА

Кенгашда район халқ маорифи бўлими мудири ўртоқ Қ. Илʼёсовнинг «1954—55 ўқув йилининг якунлари ва 1955 — 56 ўқув йилидаги вазифалар» ҳақидаги доклади тингланди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар 1954—55 ўқув йилида район мактабларида ўқув-тарбия ишлари, дарсларнинг ўзаро ва назарий савияси бирмунча яхшиланганлигини, мактаб блан ота-оналар ўртасидаги алоқа сезиларли даражада мустаҳкамланганлигини айтиб ўтдилар. Мактабларда ўғил ва қиз болаларнинг уюшқоқ, аҳил коллективи вужудга келтирилган, комсомол ва пионер ташкилотларининг фаолияти анча жонлантирилган. Ўқув процессига политехника та'лимини жорий қилишда ўтган ўқув йилидагига нисбатан яхши натижаларга эришилган. Район мактабларида юқори ўзлаштириш бераётган илғор ўқитучилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Броқ, кўпгина мактабларда ўқув-тарбия ишларининг савияси талабга ҳали етарли жавоб беролмайди. Кенгашда ба'зи мактабларда юқори синф ўқучиларининг дарсларни яхши ўзлаштирмасликлари бошланғич синфларда та'лим-тарбия ишларининг ёмон қўйилганлиги натижасида рўй бераётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Райондаги 1, 111 ва 132-нчи мактабларда тарбиявий ишлар бўш олиб борилмоқда, мактабдан ташқари тадбирлар кўнгилдагидек ўтказилмаётир. Район территориясидаги «Спартак» стадионида дарсдан кейинги бўш вақтларда турли спорт машғулотлари ўтказиш, Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида мактаб ўқучиларининг оммавий ўйинларини уюштириш мумкин. Лекин бу масала э'тибордан четда қолдирилмоқда.

Ўқув процессига политехника та'лимини жорий қилиш, мактабларда фан-техника тўгаракларини ташкил этиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар борлиги сезилмоқда. Шу вақтга қадар райондаги бирор мактаб қошида тўла жиҳозланган устахона ташкил этилмаган.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар кенгаш қатнашчиларини мавжуд камчиликларни тезда тугатиш ва ўқув-тарбия ишларини янада яхшилашга чақирдилар.

СТАЛИН РАЙОНИДА

Болалар коллективини уюштириш, уларни яхшилаб ўқитиш, хаётбахш совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, она-Ватанга муҳаббат ва коммунизм улуғ ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялаш совет мактабининг жонажон ишидир.

Бу соҳада район мактабларининг коллективлари бир мунча яхши натижаларни қўлга киритганлар. Ўқучиларни келажак практик ишларга тайёрлаш мақсадида бир қатор мактабларда политехника та'лими ўқув процессига муваффақиятли жорий қилинган, ўқучиларнинг саноат корхоналарига экскурсиялари уюштирилган, дарс беришнинг гоявий-назарий савияси анча юқори кўтарилган.

Броқ, райондаги айрим мактабларнинг педагогик коллективлари ўқув-тарбия ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйиб келмоқдалар. Масалан, 45, 59, 90, 82 ва 128-нчи мактаблар ўтган ўқув йилини паст ўзлаштириш блан якунладилар ва ўқучиларнинг тўла контингентини сақлаб қолабилмадилар. 95, 83, 77-нчи мактабларда эса имконият бўлатуриб ўқув-тажриба участкалари ташкил этилмаган. Ана шу мактабларда биология дарслари амалий машғулотларсиз ўтказилмоқда. Райондаги ба'зи мактабларда ўқучиларнинг ота-оналари блан яқиндан алоқа ўрнатилмаган, мактаб ота-оналар комитетларининг фаолияти жонлантирилмаган. Синф раҳбарлари эса бу масалалар блан камдан-кам шуғулланмоқдалар, мактаб пионер ва комсомол ташкилотларининг ишига яқиндан ёрдам бермаётирлар.

Кенгашда сўзга чиққан нотиқлар район халқ маорифи бўлими ходимларининг мактаб коллективларига конкрет ва оператив раҳбарлик қилмаётганликларини, малакали инспекциялар ўтказмаётганликларини танқид қилдилар.

Бу каби камчиликларни узил-кесил бартараф қилиш ва янги ўқув йилида та'лим-тарбия ишлари соҳасида яхши натижаларга эришиш — барча мактаб коллективлари ва кенг жамоатчиликнинг шарафли бурчидир.

Давлатга ва аҳолига кўплаб сабзавот маҳсулотлари етказиб берайлик

Қорасув ва Тошкент районларининг колхозчилари пойтахт меҳнаткашлари ҳамда саноат марказларига кўплаб картошка, сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришлари керак. Бу экинлардан мўл ҳосил етиштириш юзасидан ҳар икки район колхозчилари бирнеча йиллардан буён мусобақалашиб келмоқдалар. Социалистик мусобақа ҳар икки район колхозларининг бирмунча яхши ютуқларга эришувини та'минлади.

Биз, Тошкент район колхозларида картошка, сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириш, жамоат чорвачилигини ривожлантириб, унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганини, эртаги ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳамда кечки экинлар парваришининг уюштирилишини текшириб чиқдик.

Ҳозир сабзавотчилик колхозларида ҳосилнинг тақдири ҳал этиладиган пайт. Бутун э'тибор ҳар гектар ерда мажбуриятда кўрсатилган миқдорда картошка, карам, сабзавот маҳсулотлари етиштиришга қаратилиши лозим. Текшириш шуни кўрсатдики, районнинг кўпчилик колхозларида эртаги ҳосилни йиғиб-териб олиш ишларини кечки экинлар парвариши блан боғлаб олиб борилмаётир. Район колхозлари янги, прогрессив усулнинг афзалликларидан тўла ва унумли фойдаланмаганлар. Сабзавотчиликни механизациялаштиришга етарли э'тибор берилмаган. Квадрат-уялаб экилган картошка, карам, помидор кўп ҳолларда механизмлар блан эмас, кетмон блан ишланади. Трактор блан икки томонлама парвариш қилинмайди.

«Ёш ленинчи» колхози экиш планини анча ошириб бажарган. Аммо бу муваффақият амалий иш блан мустаҳкамланмаган. Колхозда экинлар парвариши бир ме'ёрда олиб борилмайди. Картошка квадрат-уялаб экилгани ҳолда трактор блан фақат узунасига культивация қилинган. Чопиқ сифати ҳаддан ташқари паст. Бирнеча гектар ердаги кечки картошкагина икки марта чопилган. Кўпчилиги эса бир чопиқ блан қаровсиз ташлаб қўйилган. Мамбетов ишлаётган «универсал»га 13 ўрнига 6 иш органи ўрнатилган. Бунинг ҳам иккитаси синиқ. Тракторчи шу ҳолда экинларни культивация қилмоқда. Культивация сифати тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ.

Колхозга картошка қазийдиган янги машина берилган. Бу ишни енгиллатиш блан бирга сур'атни кўп даражада оширади. Шундай бўлишига қарамай колхоз раҳбарлари машинани бир чеккага йиғиштириб қўйиб, картошкани кетмон блан қазишга йўл берганлар. Янги СУЗ машинаси ҳам шу хилда фойдаланилмай ташлаб қўйилган. МТС раҳбарларининг бепарволиги орқасида машинанинг айрим қисмлари талон-торож қилинган. Тўртта «универсал»дан биттаси ишлайди, холос. Шуни ҳам айтиш керакки, колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Х. Раҳматов бригадаси кадрлар блан мусаҳкамланмаган. Бу бригадада 13 киши ўрнига 3 тракторчи ишламоқда.

Колхозда экинлар парвариши суст борғ ётгани каби етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш ишлари ҳам талабга жавоб бермайди. Бунинг устига ҳосилни талон-торож қилиш каби ҳунук фактлар ҳам йўқ эмас. Ўртоқ Абдурасулев бошлиқ бўлган бригадада помидор чириб нобуд бўлмоқда. Бригада складга 1325 килограмм қовун юборгани ҳолда, «2300 килограмм юборилди» деб нотўғри сводка берган. Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам аҳвол ана шундай.

Жданов номли колхозда 13-нчи форма қўлланилмайди. Бунинг натижасида далада олинган ҳосилни ҳам, колхозчиларга тўланган меҳнат кунларини ҳам аниқлаш жуда қийин. Бунинг устига колхозчиларга меҳнат кунлари нормативга хилоф равишда ёзилиб, кўплаб меҳнат кунлари ортиқча сарфланган. 1—2 тонна картошкани саралаган колхозчига нормативга мувофиқ 1—1,5 меҳнат куни ёзилиши керак. Биринчи бригаданинг табельчиси В. Қаюмов эса (у тафтиш комиссия раиси ҳам) 200 килограмм картошка саралаган колхозчига 0,75 меҳнат куни тўлаб келган. Ўртоқ Зоҳидов бошлиқ бригадада 37 тонна 150 килограмм картошка қавланган бўлса ҳам, табельчи Қаюмов колхозчиларга 19 тонна 510 килограммга меҳнат куни ёзган. 1-нчи МТСнинг инструктор бухгалтерлари Жданов номли колхозда юз берган бу ҳолнинг дарҳол олдини олиб тузатишга э'тибор бермаганлар.

«Ёш ленинчи» колхозининг активлари ўртасида интизом анча бўшашиб кетган. Улар ўзбошимчалик блан иш тутмоқдалар. Оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Р. Зиёев дала мудири ўртоқ Юсуповга аччиқ қилиб, 15 кунгача далага чиқмаган. Ўртоқ Юсупов ҳам ўз вазифасига мас'улиятсизлик блан қараб, экинлар парваришининг кечикишига йўл қўймоқда.

Бу колхозда чорва моллари қаровсиз қолдирилган. Ем-хашак — силос бостиришга киришилмаган. Сигир, бузоқларга ҳафталаб қаралмайди. Молхона ифлос, 14 бузоқ бир жойга боғлаб қантариб қўйилган. Чўчқа ва унинг болалари ноқулай жойда сақланмоқда. Сигирлар яхши парвариш қилинмаганидан, колхоз бу йил ўтган йилдагидан ҳам кам сут олган.

Текшириш бригадаси 2-нчи МТС зонасидаги «Сталинград», Куйбишев номли, Сталин номли 1—2-нчи колхозларда ҳам шу хилдаги нуқсонлар юз берааётганини аниқлади. «Қизил шарқ» колхози кечки картошка экиш планини бажармаган. 120 ўрнига 70 гектар ерга экин экилган. МТС дирекцияси колхозга механизмлар блан ёрдам бермаган. Квадрат-уялаб экилган картошка, карам трактор блан узунасига культивация қилиниб, кўндаланигига ишланмайди. Колхозга биркитилган 3 та ХТЗ тракторидан 2 таси 3 ойдан буён, 2 та гусиницияли трактор 6 ойдан буён колхозда бекор турипти. Беш «универсал»дан атиги биттаси ишлаётир. Бу аянчли факт МТС директори ўртоқ Тўрахоновга бир эмас, бирнеча марта айтилган бўлса ҳам, бригада механиклига зарур ёрдам берилмаган. Натижада колхоз экин планини бажараолмаган, кечки пиёз экиш учун ер ҳайдалмаган.

Куйбишев номли колхозда 55 гектар майдондаги эртаги картошка ҳанузгача қазиб давлатга топширилмаган. Картошка сифати бузилган. Колхозда кечки экинлар парвариши роят суст. 6-нчи бригадага қарашли 7 гектар ердаги кечки картошка бир ой мобайнида суғорилмаган. 4—5 бригаталарда ҳам шундай камчилик давом этаётир. Усимлик ўз вақтида суғориб, парвариш қилинмаганидан ҳосил тўпламаётир. Колхоз раҳбарлари эса «сув кам, еримиз шароити шуни талаб қилади» деб 34 гектар ердаги картошка, 25 гектар ердаги карамнинг ҳосилдан қолишига йўл қўйганлар. Бунинг устига картошка ва бошқа экинлар тизза бўйи ўт ичида нобуд бўлаётир. Биргина Куйбишев номли колхозда эмас, райондаги кўпчилик колхоз далаларида зарпечак жуда кўп. Афсуски, бунга қарши кураш уюштирилмаган.

Шуни алоҳида айтиш керакки, деярли ҳамма колхозда барча экинлардан муттасил мўл ҳосил етиштириш учун кураш йўқ. Полиз экинларидан кўп ҳосил олиниб, хўжалик учун энг зарур бўлган картошка, пиёз, савзи ва шу каби экинлардан жуда кам ҳосил олинади. Бу мутлақо нотўғри. Барча экинлардан мўл ҳосил етиштирилгандагина колхозларнинг ва колхозчиларнинг моддий даражаси кўтарилади. Буни унутмаслик керак.

Районда чорва моллари қишловига тайёргарлик ишлари ҳам бўш олиб борилмоқда. Силос бостиришга оммавий равишда киришилмаган. МТС зоотехниклари бу ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйганлар, «Комсомол», Маленков номли колхозларда силос бостириш учун жойлар тайёрланмаган. «III Интернационал», «Иттифоқ», Сталин номли ва бошқа колхозларда ҳам шу хилдаги камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Мусобақадошларимиз фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган мўл ҳосилни нобуд қилмай тезда йиғиб-териб давлатга топширишлари зарур. Шу блан бирга улар кечки экинлар парваришини агротехника қоидаларига мувофиқ юқори сифатли ўтказиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштиришга эришишлари керак.

Ж. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Қорасув район партия комитетининг МТС зонаси бўйича секретари, ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи.

М. РАШИДОВ, ДЕРЕНИКЯН, М. АЛИЕВ, А. ҚОРАБОЕВ, Т. ҲУСАНОВ — ўзаро текшириш бригадасининг а'золари.

Ш. КУЗАНБОЕВ. — «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Тошкент шаҳар Фрунзе районининг Шота Руставели кўчасида «Узглавкнигторг»нинг янги китоб магазини очилди. Магазинда жуда кўп миқдорда ҳархил бадиий, сиёсий ва илмий-оммабоп китоблар сотилмоқда. **Суратда:** харидорлар магазининг бадиий адабиётлар бўлимидан китоб сотиб олмоқдалар.

А. Аверьянов фотоси.

ҚИСКА САТРЛАРДА

* Боёвут МТСида қурилишлар борган сари қизғин тус олмоқда. Қисқа вақт ичида МТС ма'мурияти учун 12 хонали идора, бирнеча хонали 3 устахона, 10 гараж, 600 ўринга эга бўлган клуб, янги магазин, ишчи-хизматчилар учун 30 дан ортиқ уйжой қурилди.

Е. Бобоев, И. Қўлдошев.

* **Фрунзе** район Шота Руставели кўчасидаги 28-нчи уйда янги 13-нчи болалар консультацияси ташкил этилмоқда. Консультацияда рентген бўлими, болаларни сут блан та'минлаш пункти ва бошқа бўлимлар бўлади. Консультация кабинетлари янги асбоб-ускуналар блан жиҳозлантирилмоқда. Шунингдек, районда 3 қаватли ўрта мактаб биносининг қурилиши ҳам бошланди. Қурилиш учун 2 миллион 200 минг сўм маблағ ажратилди.

У. Раҳмонов.

* **Оҳангарон** шаҳарига 2 вагон ҳархил ҳайкалтарошлик намуналари келтирилди. Булар ичида А. С. Пушкин ва каптар ушлаб турган қизнинг улкан ҳайкали бор. «Шахтёр» стадионига «Баскетболчи», «Футболчи», «Альпинист» ҳайкаллари, шунингдек, шаҳар кўчалари, оммавий жойлар ва ташкилотларнинг бинолари олдига 130 дан ортиқ турли ҳажмдаги ҳайкал ўрнатилади.

Я. Павлов.

* Муқимий номли музикали драма театрининг бир группа артистлари Чиноз районига гастрольга чиқиб, меҳнаткашларга концерт ва спектакльлар қўйиб бермоқдалар. Райондаги Сталин номли, Ленин номли, «Қизил октябрь» колхоз а'золари қисқа вақт ичида «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Нурхон», «Азиз ва Санам» каби спектакльларни тамоша қилдилар.

Т. Ҳасанов.

Сан'ат янгиликлари

ЯНГИ ПЛАКАТЛАР

Ўзбекистон Давлат нашриёти республика рассомлари томонидан ишланган бирнеча агитацион ва инструктив плакатларни босиб чиқарди. Бу плакатлар республикамиз ҳаётининг турли соҳаларига бағишланган. Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. Е. Кайдалов ишлаган «Партия — бизнинг етакчимиз» плакати СССР халқларини ғалабаларга илҳомлантируччи коммунистик партияга бағишланган. Рассом В. К. Залесскаянинг «Ёшлар, стадионга» деган плакати совет ёшларини физкультура ва спорт блан шуғулланишга чақиради. Рассомлардан Н. В. Кашинанинг «Ўқи, онангдан ўрнак ол, қизим» ва Л. И. Жайдаловнинг «Сенга ҳамма йўл очиқ» сарлавҳали плакатлари ўзбек қизларини ва ёшларини ўрта мактабни тамомлаб ўқишни давом эттиришга чақиради.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти пахта йиғим-терим кампаниясига бағишлаб бир қатор плакатларни босиб чиқарди. Булар орасида республика халқ рассомлари В. Е. Кайдаловнинг «Сен бугун қанча пахта тердинг?» ва В. И. Уфимцевнинг «Юқори ҳосил усталарига шон-шараф бўлсин!» деган плакатлари ўзининг бадиий юксаклиги ва сермазмунлиги блан ажралиб туради. Шу кунларда республика колхозларига яна бир янги плакат тарқатилмоқда. Бу кўзга кўринган плакатист ва карикатурачи рассом С. А. Марфин ишлаган ластлабки ўзбек сатирик плакатидир. «У каттакон иш қилгандек югуради, елади, бир граммини тераман деб, уни исроф қилади!» эпиграммали бу плакат пахта нобудгарчилигига йўл қўядиган теримчиларни танқид қилади. Ёш рассом Н. А. Циганов ишлаган «Халққа қўпроқ китоб берайлик!» номли плакат совет ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини пропаганда қилишга қаратилган.

Нашриёт республика қишлоқ хўжалик министрлигининг қишлоқ хўжалик пропагандаси Бош идораси блан ҳамкорликда пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа масалаларига бағишлаб бирнеча инструктив плакатлар чиқарди. Булар орасида В. И. Евенконинг «Сўрсув озиқ қанча кўп берилса — шунча кўп сут олинади!», Г. Р. Шевяковнинг «Соғин сигирларни оғилда боқинг!», А. М. Нехлюдовнинг «Моллар учун силос тайёрланг!», И. А. Циганованинг «Ҳосилни кўзак қуртидан сақланг!» каби плакатлар бор.

Бундан ташқари яна бирқанча агитацион ва инструктив плакатлар босишга тайёрланган. Янги икки қаторли СХС-1,2 маркали пахта териш машинаси, республикамизда донг чиқарган пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Абдувохид Муродовнинг иш тажрибаси ва бошқа темаларга бағишланган плакатлар яқин кунларда босиб чиқарилади.

А. УМАРОВ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИНИНГ ГАСТРОЛЬЛАРИ

Беҳоён мамлакатимиздаги қардош халқлар ўзбек миллий сан'атини ниҳоятда севадилар ва қадрлайдилар. Шу кунларда Москва шаҳрида гастрольларини давом эттираётган ўзбек Давлат эстрадаси хор ансамбли ва раққосалар группасининг концертлари пойтахт тамошабинлари томонидан зўр қизиқиш блан кутиб олинмоқда. Коллективнинг гастрольлари пойтахт эрмитажида, зелений театр-концерт залларида бўлиб, бунда моҳирлик блан ижро этилган хилма-хил ашула ва рақслар тамошабинларда яхши таассурот қолдирди. Бу концертда Варшавада бўлиб ўтган Жаҳон ёшлари V фестивалидан зўр муваффақиятга эришиб Москвага қайтиб келган фестиваль лауреатлари рақоса Тамара Юнусова ва доирачи Қ. Додаевлар ҳам қатнашдилар. Тамара Юнусова томонидан усталик блан ижро этилган «Шўх қиз» ўйини тамошабинларга манзур бўлди. Юнусова бу рақсида оддий ўзбек қизининг гўзал, қувноқ ҳаётини, унинг ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби олижаноб ҳислатларини, мустаҳкам тинчлик учун курашини, юксак интернационализм туйғуларини усталик блан тараннум қилаолган.

Ўзбек эстрадасининг бу коллективи ўз сан'атини август-сентябрь ойларида Ленинград шаҳри тамошабинларига ҳам намойиш қилади.

Эстраданинг инструменталь квартети ва солистларидан иборат коллективи ҳам мамлакатимизнинг Уфа, Куйбишев, Чкалов, Ульяновск шаҳарларида концертлар берди. Ҳозир бу коллектив Қозон шаҳрининг тамошабинларига хизмат қилмоқда. Бу коллектив асосан талантли ёшлардан ташкил топган. Ўзбек давлат эстрадаси солистлари А. Навоий номли ўзбек опера ва балет театри артистлари блан ҳамкорликда мўл пахта ҳосили учун фидокорона меҳнат қилаётган республикамиз колхозчиларига атаб тайёрлаган янги репертуарларини ҳам кўрсатмоқда.

Солист Н. Ёқубов бошчилигидаги бир группа эстрада солистлари Наманган областининг Тўрақўрғон, Чуст, Норин районларида, шунингдек Андижон областининг кўпгина колхоз ва совхозларида ҳам бўлиб, 60 дан ортиқ концерт бердилар. Бу группада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби Юнус Ражабий, композитор Фахриддин Содиқовлар ҳам иштирок этдилар. Концерт программасида ўзбек куйлари, ашулалари, ўйинлари блан бирга рус, украин, қозоқ, озарбайжон композиторларининг асарлари ҳам бор. Артист Назрулла Ёқубов томонидан ижро этилган озарбайжонча «Хумор бўлдим», қозоқча «Ой гулим» ашулалари тамошабинлар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, эстрада солисти Бобохонов томонидан ижро этилган «Янги ер таронаси» муваффақиятли чиқди. Бу ашулада янги ерларни ўзлаштираётган, чўлларни бўстонга айлантираётган ёш ватанпарвар комсомолларнинг меҳнат зафарлари куйланади.

Самарқанд область колхозларида гастрольларини давом этдираётган Фотима Борухова бошчилигидаги эстрада солистларининг концертлари ҳам қизғин ўтмоқда. Шунингдек СССР халқ артисткаси Ҳалима Носирова бошчилигидаги эстрада группасининг концертлари ҳам фарғонали колхозчилар томонидан зўр қувонч блан қарши олинмоқда.

20 сентябрьда ўзбек эстрадасининг қишки мавсуми очилади. Давлат эстрадаси театрининг ижодий коллективи янги мавсумга атаб катта программада концерт номерлари тайёрламоқда.

М. АБРОРОВ.

Маккажўхоридан икки марта ҳосил олинади

Чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш учун астойдил ҳаракат қилаётган Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз а'золари беда ўриш, хашак йиғиш блан бир қаторда силос бостириш ишларига ҳам алоҳида э'тибор бераётирлар.

Колхозда бу йил 65 гектар ерга маккажўхори экилди. Сифатли ишланган, ўз вақтида озиқлантирилиб, қондириб суғорилган маккажўхорилар қисқа вақт ичида силос қилиш учун тайёр бўлди.

Яқинда ўрим бошланиб, ҳар гектардан 60 тоннадан поя ҳосили олинди. Колхозчиларнинг ташаббуси блан олдиндан тайёрланиб қўйилган иккита траншеяга бу поялардан 120 тоннадан силос бостирилди.

Азамат колхозчилар ғанимат кунларнинг қадрига етиб кечки маккажўхорини ҳам парвариш қилаётирлар. Ҳозир парвариш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу соҳада, айниқса, ўртоқ Султонқул Абдуллаев бошчилик қилаётган сабзавот бригадаси а'золарининг хизмати тақдирга сазовордир. Бригада а'золари жўхори поялларини силосланда ҳам жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. А. Тошматов, Х. Ҳайдарова, С. Шукурова каби ўртоқлар ҳар соатига 4 — 5 тоннадан жўхори поясини резжада қирқиб силослаш учун тайёрлаётирлар.

Р. ҲАСАНОВ.

Пойтахт олий ўқув юртларида

Тротуарларда кетаётган, китоб магазинларидан дарсликлар сотиб олаётган, институт йўлкаларида ва хиёбонларида қувноқлик блан қизғин суҳбатлашаётган ёшларни кўрганингизда янги ўқув йилига саноқли қунлар қолганини беихтиёр хотирлайсиз. Ҳа, ўқув йилининг бошланишига икки кун қолди. Минглаб ёшлар янги ўқув йилининг бошланишини сабрсизлик блан кутмоқдалар. Ана шу ёшларнинг фан асосларини чуқур ва мустаҳкам эгаллашлари, уларнинг маданий яшашлари учун олий ўқув юртларининг дирекциялари ва жамоат ташкилотлари нималар қилмоқдалар?

«КАМЧИЛИГИМИЗ ҲАМ БОР»

Институт ҳовлиси: ҳашаматли бинолар бутун салобати блан қад кўтариб турипти. Ён-теваракда гулзор, асфальт йўлакларда тоза, саранжом-саришта. Қаерга қарамант, ҳавасингиз келади. Тартибли хўжалигининг ҳаёт нафаси думорингизга урилади.

Студентлар ётоқхонаси: ҳарбир хонага катта-кичиклигига қараб кровать, стол, стул, гардероб қўйилган, дераза ойналари бут, артилган, поллар яраклайди. Ҳамма хоналарда радиоточкалари бор. Бу Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг ётоқхонаси.

Институт ма'муриятининг (бошлиғи ўртоқ М. Ф. Просалов) ўтган ўқув йилида йўл қўйилган камчиликлари бартараф қилинди ва янги ўқув йилини ўз вақтида намунали кутиб олиш учун тайёргарликни анча олдин бошлаб юборди. Ўқув бинолари, студентлар ётоқхонаси, инвентарьларни ремонт қилиш учун давлат томонидан ажратилган 300 минг сўм маблағдан ҳам, ички резервлардан ҳам унумли фойдаланилди. Ўқув бинолари, ётоқхоналар, инвентарьлар сифатли ремонтдан чиқарилди.

Ма'мурият институт хўжалигининг йириклашаётгани, студентлар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётганини э'тиборга олиб, янги қурилиш ишларини кучайтириб юборди. Натижада шу йилнинг ўзида 100 кишилик янги ўқиш зали, ёзлик ва қишлиқ қўшимча ошхона, сут-қатиқ, қовун-тарвуз ҳамда бошқа маҳсулотлар блан савдо қиладиган дўконлар қурилди. Студентларга қулайлик туғдириш мақсадида почта бўлими, омонат касса ташкил этилди. Қурилаётган янги қутубхона октябрьгача фойдаланишга топширилади.

Ма'мурият студентларнинг соғлиғи тўғрисида ҳам жатта ғамхўрлик қилмоқда. Институтда медицина пункти, касалхона, тунги профилактика, хирургия, терапевтик ва кўз кабинетлари ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси студентлар хизматида.

— Янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда ҳали айрим камчиликларимиз ҳам бор, — дейди камтарлик блан институт бошлиғининг ма'мурий-хўжалик ишлари бўйича ёрдамчиси ўртоқ А. И. Федюкин, — лекин биз буни тез кунда тузатиб оламиз.

«МАБЛАҒ ЕТИШМАЯПТИ»

Ёшлардан мутахассис кадрлар етиштиришда қишлоқ хўжалик институти республикамизда салмоқли ўрин эгаллайди. Ўқув-тарбия соҳасидаги ишларига назар ташласанг мақташга арзигудек, лекин институтда шу кунларда олиб борилаётган хўжалик ишларида катта камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўзга яққол ташланади.

Институтнинг ўқиш бинолари, ётоқхоналар ва инвентарьларни ремонт қилиш учун 350 минг сўм маблағ ажратилган. Аммо ремонт ишларида бу маблағдан ўз вақтида тўғри фойдаланилмаётир.

Малобешагаческая кўчасида институтнинг 2-нчи ётоқхонаси бор. Ётоқхона ўтган йили фойдаланишга топширилган. Ётоқхонада санитария-гигиена қоидаларига мутлақо риоя қилинмайди. Ҳовли ва коридорларда бирнеча кундан буён қовун-тарвуз, помидор, картошка пўчоқлари сасиб, пашша босиб ётипти. Бу ерда махсус яшчик йўқ. Айрим хоналар чанг, ифлос, ювилмаган, ойналар артилмаган. Хуллас, студентлар учун бу ерда қулай шароит яратилмаган. Ётоқхонада кухня бор. Кухня ўтган ўқув йилида фойдаланилганича, бузилиб, ремонт қилинмаслан қолиб келаётир. Кухнада атиги 10—15 киши овқат пиширириши мумкин. Ҳолбуки, бу бинода 400 студент яшайди. Шуни ҳам айтиш керакки, ётоқхонадаги стол, стул, дераза, тумбочкаларнинг биронтаси ҳам бўялмаган.

Ётоқхонада радиоточкалар ўрнатилмаган. Ҳовлида спорт майдончаси йўқлиги, медицина пункти бўлмаслигига ётоқхонанинг янгилиги неш қилинмоқда. Агар студентлардан биронтаси бетоб бўлиб қолса, Кафанов кўчасида жойлашган 1-нчи ётоқхонадаги медицина пунктига қатнашга мажбур бўладилар.

1-нчи ётоқхонадаги аҳвол ҳам роят ачинарлидир. Тўғри, бу ерда ба'зибир ремонт ишлари амалга оширилган. Лекин ремонтнинг сифати паст бўлиб «менан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида ишланган. Ремонт қилинган хоналар оқланган бўйича қолган: ойналар артилмаган, поллар ювилмаган, дераза ойналари синган. Директор ўринбосари ўртоқ Криловнинг айтишича, бу ётоқхона тўла ремонтдан чиққан. Ҳолбуки, «ремонтдан чиққан» хоналарнинг биронтасига ҳам кровать қўйилмаган, инвентарьларга қўл теккизилмаган, ётоқхона ҳовлиси ифлос, тартибга солинмаган.

Институтнинг иккинчи ўқув биносида ўтказилган ремонт ҳам кўнгилдагидек эмас. Кафедраларнинг асбоб-ускуналари, аудиторияларнинг жиҳозлари ҳарқаерда сочилиб ётипти. Спорт залининг поли чириб, ичига ўширилиб кетган. Ўртоқ Крилов спорт залининг ремонт қилинмаганига ўйламай-нетмай «ҳали вақт эрта» деб жавоб беради. Институтнинг асосий ўқув биносида ҳам ана шундай аҳвол мавжуд. Аудиториялар талабга жавоб бермайдиган инвентарьлар блан жиҳозлантирилган, ошхона ремонти эса ҳали бошланмаган.

Ўртоқ Крилов институтда ремонт ишларининг кечикиши, инвентарьларнинг мутлақо ремонт қилинмаслигига «маблағ етишмайди», «олиф тополмаётибмиз», «штатли ўрдадгоримиз йўқ» каби асоссиз баҳоналарни сабаб қилиб кўрсатмоқда.

«ҲАММАСИ ТАХТ»

— Ўқув биноларимиз ҳам, ётоқхоналаримиз ҳам тўла ремонт қилинган. Янги ўқув йилига ҳамма нарса тахт, — дейди Ўрта Осиё политехника институти директорининг ма'мурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосари ўртоқ Мирхонов. — Биз,— деб гапида давом этди у,— бу йил ремонтни анча илгари бошладик, янги ошхона очдик. Шундай қилмасак қийналиб қолишимиз мумкин эди.

Ҳақиқатан ҳам ҳамма нарса ўртоқ Мирхонов айтганича янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилганми? Йўқ. Бунинг учун биргина 2-нчи ётоқхонани мисол қилиб кўрсатиш кифоя. Мирхоновнинг айтишича 3-нчи, 4-нчи қават тўла ремонтдан чиқарилган. Лекин «Ремонтдан чиқарилиб, кроватьлар қўйилган» хоналарни кўздан кечирсангиз тамомила бошқача манзарани кўрасиз. Кровать киритиш у ёқда турсин хатто хоналар оқланганича қолиб кетган. Ойналар артилмаган, синган, эшик ва рамлари бўялмаган. Коридорларнинг шифи кўчиб тушган.

Ётоқхонада ўқиш залидан ташқари бирор жой бўялмаган. Мирхонов эса бунга бўёқ йўқлигини важ қилиб кўрсатмоқда. Комендант ўртоқ Ходоль неча кўрпа-ёстиқ, кровать ремонт қилинди, деган саволга:

— Аниқ билмайман, ҳисобини олганим йўқ, — деб жавоб беради, у неча репродуктор борлигини ҳам билмайди. Айрим кроватьларга тўшалган кўрпа-ёстиқлар эски, йиртиқ, пахтаси осилиб ётипти. Хоналардаги гардероб, стол, стул, тумбочкалар эса мутлақо ремонт қилинмаган.

Институт ошхонаси ҳам ёмон аҳволда. Ўртоқ Мирхонов мақтаган янги, ёзлик ошхона мутлақо талабга жавоб бермайди. Қишлиқ ошхонани эса ремонт қилишга ҳали киришилмаган.

Бундай аҳвол химия факультети жойлашган бино ва Пролетар кўчасидаги ётоқхонада ҳам мавжуд. Ётоқхонада студентларнинг маданий-маиший жиҳатдан яхши ҳаёт кечиришлари учун қулай шароит яратилмаган.

Крилов ва Мирхонов ўртоқлар институтларнинг ўқув бинолари ва ётоқхоналар ремонтининг кечикиб кетаётганига «маблағ етишмайди» деган асоссиз баҳоналарни кўрсатиш, «ҳаммаси тахт» деб камчиликларни хас-пўшлаш ўрнига, бу камчиликларни тезда тугатиш тадбирларини белгиласалар яхшироқ бўлар эди. Қишлоқ хўжалик ва политехника институтларининг дирекциялари ҳамда партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ҳам студентлар ётоқхоналари ва бошқа хўжалик биноларини янги ўқув йилига ўз вақтида намунали тайёрлаш устидан контрольликни кучайтиришлари керак.

С. РАҲИМОВ, З. МУҲАМЕДЖОНОВ.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг рейд бригадаси.

Редакция почтасидан

Э'тибордан четда қолган чойхона

Карим ака уйига меҳмон бўлиб келган жиянлари Эркин блан Ўсарни анча вақтдан бери кўрмаган эди. Шунинг учун у маҳаллада бўлган ўзгаришларни жиянларига батафсил сўзлаб берди:

— Маҳаллалар ўртасидаги йўлларимизга асфальт ётқизилди, янгидан қанчақанча уй-жой, чойхона, магазинлар қурилди, укаларинг бўлса янги қурилган ўнйиллик мактабда ўқишяпти. Умуман айтганда ҳаркадамда янгилик.

— Тоға, дейман, — гап бошлади Эркин, — бу чойхона биз Тошкентда ўқиб юрган йиллари жуда обод эди. Ҳозир эса...

— Мен сизларнинг рай'ларингни қайтармай чиқдим, бўлмаса неча ойлардан бери бу ерга ким чиқади дейсан, ҳамма ҳам бу чойхонадан қўлини ювиб қўлтиғига артган, — деди Карим ака норозилик блан.

3-нчи чайнаянинг филиали ҳисобланган 48-нчи чойхонага Акбар Қодиров ишга тайинланганда маҳалла меҳнаткашлари «энди чойхона илгариги вақтларга қараганда анча ободроқ бўлар» деб ўйлаган эдилар. Лекин уларнинг ўйлаганича бўлиб чиқмади, чойхона даслабки кундан бошлабоқ майишатхонага айланиб кетди. Қодировнинг ҳамтовоқларини излаган киши уларни шу ердан маст-аласт ҳолда топадиган бўлиб қолди. Спиртли ичимлик ичиб, шира қайф бўлган кишининг ҳалол хизмат қилгуси келади дейсизми?!

Меҳнаткашларга хушмомала қилиш ўққа турсин, чойнак пиёла, шолча, полосларнинг тозаланмаслигини айтмасак ҳам бўлади. Чой ичилмоқчи бўлса икки пиёла чой қуймасданоқ чойнакда ҳеччарса қолмайди. Чойнак ичи шамага тўлиб кетган ёки чойнак тешик бўлганидан оқиб кетади. Бунинг устига бир чойнак чой 25 тийин ўрнига 40 — 50 тийиндан сотилмоқда.

Чойхона биносини ремонт қилиш масаласида ҳечким бош қотирмайди. Бинони безаш учун унинг ишпларига қоқиб қўйилган қоғозлар йиртилиб, осилиб ётибди. Расмлар эса трест раҳбарларининг буйруғи блан қаёққадир олиб кетилганича ҳали чойхонага қайтиб берилмаган.

Чойхонада лоақол репродуктор ҳам ўрнатилмаган. Шахмат-шашка, домино йўқ. Мавжуд китоблар йўқолиб кетган. Чойхонага келтирилган газеталар дастурхон ўрнида хизмат қилмоқда.

Октябрь районидаги Пушкин, Охунбобоев маҳаллаларининг меҳнаткашлари Акбар Қодиров ва унинг ҳамтовоқларининг чойхонани майишатхонага айлантириб юборгани ҳақида бирнеча марта акт ёзиб, тегишли ташкилотларга юборидлар. Меҳнаткашлар Октябрь ошхоналар трестининг раҳбарлари (директори Пўлатов, ўринбосари Валиуллин ва 3-нчи чайнаянинг директори Ғафурова ўртоқлар)га мурожаат қилдилар. Трест раҳбарлари номига юборилган очиқ хат ва шикоятлар уларнинг столларида ойлаб текширилмай қолиб кетмоқда. Қодиров эса икки йилдан бери пинагини бузмай ўз билган ишларини давом этдирмоқда.

Октябрь ошхоналар трести раҳбарларининг фамилияси чойхонага келиб турадиган қарияларнинг оғзидан тушмайдиган бўлиб қолипти. Улар ўртоқ Пўлатовнинг машинаси ташландиқ чойхонага ҳеч келармикан, арз-ҳолимизни айтмоқчи эдик, деб юрибдилар.

Т. УНАБОЕВ. М. МИРХУЖАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка оладилар„

Газетанинг 26 июль сонида юқоридаги сарлавҳа блан чиққан редакция почтасида Тошкентдаги «Ватан» ёзлик кинотеатрида билет олишда, ичкарига киришда тўпалон, жанжал бўлиб туриши ва бошқа кўпгина тартибсизлик бўлаётгани таҳқид қилинган эди.

Тошкент шаҳар милиция бошқармасидан редакцияга хабар қилишларича, газета материали бошқарманинг шахсий состави ходимлари ўртасида муҳокама қилинган, жамоат йиғиладиган ерларда тартиб ўрнатиш ва тегишли ташкилотларга амалий ёрдам беришга қаратилган бирқанча тадбирлар белгиланган.

«Ватан» кинотеатри олдида кераклигича тартиб ўрнатмагани учун милиционер ўртоқ Умарҳўжаев қаттиқ огоҳлантирилган.

ПАРЛАМЕНТАРО ИТТИФОҚНИНГ 44-НЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ХЕЛЬСИНКИ, 27 август. (ТАСС). Парламентаро иттифоқ 44-нчи конференциясининг бугунги эрталабки мажлисида миллатларнинг чинакам тотув яшашлари шартлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш бошланди.

Биринчи бўлиб, тотув яшашнинг юридик ва ма'навий принциплари тўғрисидаги резолюция проекти муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан юридик масалалар комиссиясининг вакили, Бельгия сенатининг собиқ раиси Анри Ролен доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда Судан, Ироқ, Англия, Австрия, Венгрия, Туркия, Цейлон, Финляндия, Чехословакия, Германия Федерал Республикаси ва Югославия делегатлари сўзга чиқдилар.

ХХР блан ГДР ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги

БЕРЛИН, 27 август. (ТАСС). АДН агентлигининг билдиришича, яқинда Берлинда Хитой Халқ Республикаси блан Германия Демократик Республикаси ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида протокол имзоланган.

Германия Демократик Республикаси Хитой Халқ Республикасига металлургия, оғир машинасозлик, электротехника ва тўқимачилик саноатига доир ҳужжатларни беради, шунингдек хитойли техникларнинг катта группасига республика корхоналарида та'лим олиш имкониятини беради.

Хитой Халқ Республикаси Германия Демократик Республикасига, жумладан, тўқимачилик саноати, қоғоз, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигига доир ҳужжатларни беради.

Протокол немис мутахассислари делегациясини Хитой Халқ Республикасига юборишни кўзда тутади.

ПОЛЬШАДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

ВАРШАВА, 27 август. (ТАСС). 1 сентябрьда Польша мактабларида янги ўқув йили бошланади. Мамлакатнинг барча шаҳар ва қишлоқларида машғулотларга тайёргарлик тамом бўлаётир.

Матбуотнинг билдиришича, янги ўқув йилида мамлакатда 465 та янги еттийиллик мактаб очилади. Бундан ташқари, бинокорлик ташкилотлари мамлакатнинг турли районларида қурилган 200 дан ортиқ янги мактаб биносини пардозлаш ишларини тамомламоқдалар.

Давлат мактаб нашриётлари ўқув йили олдидан 22 миллиондан ортиқ дарслик нашр этдилар. Умумий ма'лумот берадиган мактаблар янги ўқитучи кадрлар блан та'минланди. Педагогика лицейларини ва олий педагогика мактабларини тамомлаб чиққан салкам 5.300 ёш ўқитучи янги ўқув йилида мактабларда ишлай бошлайди.

Марокаш ва Гоадаги воқиалар тўғрисида Индонезия газеталарининг ёзганлари

ЖАКАРТА, 28 август. (ТАСС). Индонезия матбуоти Марокаш ва Гоадаги воқиаларга катта аҳамият бермоқда.

«Абади» газетаси редакцион мақоласида Марокаш ва Гоа проблемаларининг, шунингдек Ғарбий Ириан проблемасининг ҳал этилишини талаб этмоқда. «Абади» газетаси Марокашда, Гоада ва Ғарбий Ирианда «мустамлакачилик ҳукм сураётганлиги»ни та'кидлайди. Шу блан бирга, газета Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясини ўтказишда муҳим роль ўйнаган Индонезия Марокаш, Гоа ва Ғарбий Ириан халқларига эркинлик бериш масаласи юзасидан БМТда актив роль ўйнаши керак, деб ёзади. «Абади» газетаси Осиёда мустамлакачилик ҳукмронлиги системасини тамомида тугатишга да'ват этади.

«Мердека» газетаси ҳам Марокаш, Гоа ва Ғарбий Ирианда озодлик йўлидаги ҳаракатни қўллаб-қувватлайди.

Сербияда табиий офат

БЕЛГРАД, 27 август. (ТАСС). «Политика» газетаси хабар беради: Июль ойининг охирида ва августнинг бошида Сербия территориясида бирқанча кунгача қаттиқ ёмғир ва дўл ёққонлиги сабабли, шунингдек ёмғир суви кўпайиб кетиб дар'ёлар тошганлиги натижасида бу республиканинг қишлоқ хўжалигига 4 миллард динардан кўпроқ зарар етган.

Сербия қишлоқ хўжалик бошқармаси ва район халқ комитетлари тошқиндан зарар кўрган аҳолига ёрдам бериш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Японияда оммавий заҳарланиш

ПЕКИН, 28 август. (ТАСС). Токио радиосининг билдиришига қараганда, Японияда кейинги уч кун ичида Япониянинг сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган машҳур компанияси «Моринага» тайёрлаган қуритилган сутга қандай йўл блан-дир аралашиб қолган миш'яқдан 4.500 га яқин бола заҳарланган. 39 бола ўлган.

Япония соғлиқни сақлаш министрлигининг фармойишига мувофиқ, бу компания тайёрлаган қуритилган сутнинг ҳаммаси савдо шохобчаларидан олинган.

СТОКГОЛЬМДА 13-НЧИ ХАЛҚАРО САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

СТОКГОЛЬМ, 27 август. (ТАСС). Бугун Стокгольмда 13-нчи халқаро савдо-саноат ярмаркаси «Санкт-Эрикс-мессан» очилди. Бу йил ярмаркада Совет Иттифоқи биринчи марта қатнашмоқда. Совет Иттифоқининг павильони энг катта павильондир. Ярмаркада жам'и 30 мамлакат қатнашмоқда. Ярмарка қатнашчилари орасида Чехословакия, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Югославия, Ҳиндистон, АҚШ, Ғарбий Германия, Англия ва бошқа мамлакатлар бор.

Ярмаркани тантанали очиш маросимида Стокгольм савдо палатасининг раиси Харальд Нурденсон ва Швеция бош министри Таге Эрландер нутқ сўзладилар.

Харальд Нурденсон ярмарканинг очилиши муносабати блан сўзлаган табрик нутқида, Совет Иттифоқининг ярмаркада қатнашаётганлиги ярмарканинг аҳамиятини ва унга бўлган қизиқишни жуда оширади, деб ўқтириб ўтди. Нурденсон совет ҳукумат делегациясини ва бу делегациянинг бошлиғи СССР Ташқи савдо министри И. Г. Кабановни табриклади.

Швеция бош министри Эрландер ўз нутқида савдо-саноат вакиллари ўртасида халқаро миқ'ёсда алоқа ўрнатиш соҳасида бу ярмарканинг аҳамияти катта эканлигини айтди. Турли мамлакатларнинг бу ярмаркада кенг миқ'ёсда иштирок қилаётганлиги, деди у, миллатлар ўртасида эркин суратда товар айирбошлашга эришиш истагини ифода этади.

Бош министр ярмаркани очиқ деб э'лон қилади.

Ярмаркани очиш маросимида СССР ташқи савдо министри И. Г. Бабанов бошчилигидаги совет ҳукумат делегацияси, шунингдек СССРнинг Швециядаги муваққат ишлар вакили Н. М. Луньков, СССРнинг Швециядаги савдо вакили Н. В. Васильев ҳозир бўлдилар.

Павильонларни кўриб чиқиш бошланади.

Совет павильонига келучилар жуда кўп. Павильоннинг очиқ майдонига турли саноат ва қишлоқ хўжалик машиналари, хилма-хил станоклар, юк автомобильлари қўйилган. Минск заводида ишланган ва 25 тонна юк кўтарадиган автомобиль ҳаммасининг э'тиборини ўзига жалб этмоқда. Тамошабинлар экспонатлар ёнида узоқ тўхталиб, машиналардан қандай мақсадларда фойдаланилаётганлигини батафсил суриштириб билмоқдалар.

Совет павильонининг ичкари қисмида СССР Енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳсулотлари, тўқимачилик, оптика, аппаратура ва асбоблар бўлимлари, мўйна буюмлар бўлими, музика асбоблари, нафис буюмлар, китоблар, ов милтиқлари бўлимлари бор. Ярмаркани тамоша қилучиларнинг якдиллик блан изҳор қилаётган фикрига қараганда, совет павильони совет индустриясининг ғоят катта муваффақиятларга эришаётганлигини исбот этади.

Совет павильонини Швеция бош министри Эрландер келиб кўрди. СССР ташқи савдо министри И. Г. Бабанов ва бошқа совет вакиллари у блан ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Ярмарка 11 сентябрьгача давом этади.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Германия Демократик Республикасининг қишлоқ хўжалик делегацияси 26 августа Москвага келди. Делегация составида — қишлоқ хўжалик мутахассислари ва қишлоқ хўжалик кооперативларига а'зо бўлган деҳқонлар бор. Делегацияга Германия Демократик Республикаси Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги министрлигининг молия бошқармасининг бошлиғи В. Хилле бошчилик қилмоқда.

Бу делегация СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг таклифи блан Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини кўриш учун келган немис меҳмонларнинг ўнинчи катта группасидир. Бу йил Германия Демократик Республикасидан ҳаммаси бўлиб иккиюз эллик киши виставкани келиб кўрди.

Аэродромда меҳмонларни СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги илмий-техника ҳамкорлиги бўлими бошлиғининг ўринбосари А. Ф. Харченко, Министрликнинг ходимлари ва ГДРнинг СССР даги элчихонаси вакиллари кутиб олдилар. (ТАСС).

СОВЕТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ КАНАДАДА БЎЛИШИ

МОНРЕАЛЬ, 27 август. **(ТАСС махсус мухбири).** Совет қишлоқ хўжалик делегацияси Канада қишлоқ хўжалиги блан танишишга киришиб, кеча Монреаль шаҳрига яқин жойлардаги районларга (Квебек вилояти) бориб, шу районлардаги хўжаликларни кўрди. Буерда асосан сут фермалари ва мева боғлари кўп. Делегацияга ҳамроҳ бўлиб борган Канада қишлоқ хўжалик министри Ўринбосари Тэгнон делегатларга шу хўжаликларнинг аҳволини тушунтириб юрди.

Эрталаб делегация Квебекдаги энг катта фермалардан бирини бориб кўрди. Сенатор Годбурга қарашли бу фермада делегация мева боғини, машиналарни ва Герефорд зотидан бўлган сергўшт чорва моллар подасини кўздан кечирди. Совет делегациясининг бошлиғи В. Мацкевич фермадан кетатуриб, Горбудга яхши кутиб олганлиги учун ташаккур билдирди ва уни Москвадаги қишлоқ хўжалик виставкани бориб кўришга таклиф қилди.

Делегация Фрелисбург боғбонлар кооперативига қарашли бўлган ва олмалар сақланадиган складни ҳам бориб кўрди. Склада ҳавони совутиш системаси олмаларни янги олма пишгунча сақлаб туришга имкон беради.

Куннинг иккинчи ярмида делегация Гранби шаҳрига келди. Шаҳар идорасининг биносида шаҳар мери Боивин совет делегатларини табриклади. Делегация шаҳарда кооператив сут заводини бориб кўрди. Бу заводда ҳар куни 500 минг килограммга яқин сут қайта ишланади.

Делегация Монреальга қайтиб келатуриб, фермер Ланьерренинг фермасида қисқача тўхтаб ўтди. Кечқурун делегация Монреальга яқин жойдаги олмани қайта ишлаш заводини бориб кўрди.

Бугун совет қишлоқ хўжалик делегацияси Оттавага жўнаб кетади.

Ҳиндистондаги Совет элчихонасида қабул маросими

ДЕҲЛИ, 27 август. (ТАСС). Кеча СССРнинг Ҳиндистондаги Муваққат ишлар вакили Г. Н. Ашуров табиий ресурслар министри К. Д. Малавия бошчилигидаги ҳинд делегациясининг яқин кунларда Совет Иттифоқига жўнаб кетажаги муносабати блан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Малавия бошчилигида делегация а'золари, адлия министри Бисвас, ишлабчиқариш ишлари министри Редди, реконструкция министри Бханна, қишлоқ хўжалик министри Дешмукх, парламент депутатлари, мас'ул ҳукумат амалдорлари, бош министр Нерунинг қизи Индира Ганди, Ҳиндистоннинг сиёсий ва жамоат арбоблари, шунингдек дипломатик корпус а'золари ҳозир бўлдилар.

МИСР БОШ МИНИСТРИНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА, 27 август. (ТАСС). Матбуотнинг билдиришига қараганда, Миср бош министри Жамол Абдил Носир Америкаларнинг Миср даги элчиси Байроудни қабул қилган ва унга баёнот бериб, Шимолий Африка мамлакатларидаги миллий-озодлик ҳаракатини бостириш учун НАТО қуролли кучларидан фойдаланилаётганлигини қоралаган. «Иджиншн мейил» газетасининг ёзишича, Носир НАТО қуролли кучларидан ана шундай фойдаланишни барча арабларга қарши қаратилган душманлик акти, деб та'рифлаган.

Расмий ахборотда айтилишича, Носир Байроудга бундай деган: Миср ҳукумати Шимолий Африкада НАТО қуролли кучларидан фойдаланишни «Франция томонидагина эмас, балки Шимолий атлантик шартномасида қатнашучи барча мамлакатлар томонидан ҳам қилинаётган душманлик акти, деб ҳисоблайди. Ана шу мамлакатлар Франциянинг бундай ҳаракатларига йўл қўйиб бердилар».

Бош Министр «Марокашдаги воқиаларнинг кучайиб бораётганлиги ва ўз озодлиги ҳамда ўз ҳуқуқлари учун курашаётган қуролсиз кишиларга қарши зўравонлик қилинаётганлиги муносабати блан Миср ташвишга тушганлигини Америка элчисига билдирди».

Носир бу баёнотни Америка ҳукуматига ма'лум қилишни элчидан сўраган.



Польша Халқ Республикасининг жанубида кўпгина шифолаш муассасалари жойлашган. Ёз ойларида жанубга келиб дам олучиларнинг сони кўпаяди. Бу йил мамлакатнинг санатория ва дам олиш уйларида яриммиллиондан ортиқ меҳнаткаш дам олади. **Суратда:** Республиканинг жанубида Ивонич қишлоғидаги кончилар ва металлургларнинг санаторияси.

Польша Марказий фотоагентлигининг фотоси.

Корея Халқ-Демократик республикаси сан'аткорлари Тошкентда

Ҳозир совет-корея дўстлиги ойлиги давом этмоқда. Ана шу муносабат блан Совет Иттифоқига келган Корея Халқ-Демократик республикасининг бир группа сан'аткорлари 27 августда Тошкентга келдилар. Улар 28 ва 29 август кунлари Свердлов номли концерт залида катта программада икки бўлимдан иборат концерт бердилар.

Залда ўлтирган тамошабинлар парда очилиши блан КХДР артистларини қизғин табрикладилар.

Биринчи бўлиб КХДР давлат филармониясининг солисти Ли Ин Хен пианинода қаҳрамонлик сонатасини ижро этди. Уни залдагилар қизғин табрикладилар. КХДР давлат бадиий театрининг солисти, Жаҳон ёшлари ва студентларининг Бухарестда бўлиб ўтган фестивали лауреати Ра Сук Хи ижро этган «Елпигич рақси» ва «Қилич рақси» бу раққосанинг юксак талант эгаси эканлигидан далолат берарди. Айниқса, солист Пак Пак Вон Римский-Корсаковнинг «Май кечаси» операсидан Левко қўшиғини зўр маҳорат блан ижро этиб, тамошабинларнинг чуқур ҳурматига сазовар бўлди. У «Паген шалоласи» қўшиғини ҳам жуда яхши ижро этди. Солист Ли Гуан Гю Новиковнинг «Россия» қўшиғини рус ва корейс тилларида ижро этиб, ҳаммани ҳайратда қолдирди. Тамошабинлар уни кучли қарсак чалиб узоқ олқишладилар. КХДР давлат бадиий театрининг солисти Ли Сек Е «Гул» ва «Ипак қурти учун барг узучи» рақсларини катта сан'аткорлик блан ижро этиб ҳаммани қоил қолдирди. Шунингдек тамошабинлар КХДРда хизмат кўрсатган артист Тен Нам Хини қизғин табрикладилар. У, ўзи ёзган «Пхеньян тонги» номли фантазияни катта маҳорат блан ижро этди.

Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивали халқаро конкурсининг лауреати Ан Сон Хи хоразмча «Лазги» рақсини ижро этаётганида тамошабинларнинг қайта-қайта олқишига сазовар бўлди.

Концертнинг иккинчи бўлими ҳам Корея Халқ-Демократик республикаси сан'аткорлари эришган ажойиб ютуқнинг тантанали намойишига айланди. КХДР давлат филармониясининг солисти Ван Су Бок ижро этган «Нок гули ҳақида қўшиқ» ва «Тўқучи қўшиғи» ашулалари тамошабинларда зўр таассурот қолдирди. Шунингдек КХДРда хизмат кўрсатган артистка Ю Ин Ген ижро этган «Ариран» ва «Булбул» қўшиқлари, КХДР давлат циркининг артистлари бажарган ўйинлар ҳаммага манзур бўлди.

Концерт охирида Ўзбекистон сан'ат вакиллари Корея артистларини дўстона қизғин табриклаб, уларга гулдасталар тақдим этилар.

Суратда: (чапдан) 1). **Ю Ин Ген** «Булбул» қўшиғини ижро этмоқда. 2. **Ли Сек Е** «Ипак қурти учун барг узучи» рақсини бажармоқда. 3. **Ра Сук Хи** «Қилич рақси»ни ижро этмоқда. 4. **Ли Гуан Гю** «Россия» қўшиғини айтмоқда.

Н. Меламед фотолари.

КХДР маданият ва сан'ат арбоблари делегацияси Ўзбекистонда

СССР Маданият министрлигининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқига келган Корея Халқ-Демократик республикасининг Маданият ва сан'ат арбоблари делегацияси 27 августда кечқурун Тошкентга келди. Делегацияга КХДР Маданият ҳамда пропаганда министрининг ўринбосари Тен Юр бошчилик қилмоқда.

Аэропортда меҳмонларни Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ва Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамиятининг вакиллари, артистлар, студентлар ва мактаб ўқучилари кутиб олдилар. Республика маданият министрининг ўринбосари З. Раҳимбобоева ва делегация бошлиғи Тен Юр табрик нутқи сўзладилар.

Меҳмонлар якшанба куни туш вақтигача Тошкент шаҳрини тамоша қилдилар. Улар Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ва Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамиятининг вакиллари ва шаҳарнинг бош архитектори Ўртоқ Булатов блан биргаликда Революция скверини, Ўзбекистон Давлат опера ва балет театри биносини ҳамда Ўзбекистон пойтахтидаги диққатга сазовор бошқа жойларни кўрдилар.

Сўнгра КХДР маданият ва сан'ат арбоблари Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» қишлоқ хўжалик артелига борилар. Колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва меҳмонларга кўп тармоқли хўжаликнинг ривожланиши тўғрисида гапириб берди. Бу хўжаликнинг даромади 10 миллион сўмдан ошиб кетди. Колхоз кўздан кечириб бўлингач, қишлоқ хўжалик артелининг клубида қишлоқ бадиий ҳаваскорлар коллективининг ва Корея Халқ-Демократик Республикаси артистларининг иштироки блан катта концерт қўйиб берилди.

28 август кечқурун Свердлов номидаги концерт залида корейс артистларининг концерти бўлди. Концерт программасида халқ қўшиқлари ва рақслари, корейс, рус ва совет композиторларининг қўшиқлари бор эди.

Қардош корейс халқи маданият ва сан'ат арбобларининг делегацияси республика меҳнаткашларининг ҳаёти блан ва театр ҳамда маданий-оқартув муассасаларининг ишлари блан танишишни давом этдирмоқда.

Рассомлар конференциясига тайёргарлик

Тошкент рассомлари яқинда Сталинобод шаҳрида ўтказиладиган Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари рассомларининг II ижодий конференциясига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. У ерда кейинги икки йил ичида рассомлар яратган асарларнинг катта бадиий виставкаси ҳам очилади.

Тошкент рассомлари бу йил виставкага кўпгина тўлақонли сан'ат асари тақдим этадилар. Масалан В. Уфимцев «Оловли йиллар» номли монументал тарихий-революцион полотноси, пейзажлар серияси, ёш рассом В. Евенконинг «Бек бормоқда» тарихий картинаси ва янги сатирик плакатлар серияси виставкага қўйилади. Шунингдек республика халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг корреспондент а'зоси Ў. Тансиқбоев, В. Фадеев, Т. Оганесов, ва бошқаларнинг асарлари ҳам виставкада намойиш қилинади.

О. АПУХТИН.

ТОШКЕНТ-МИРЗАЧЎЛ ТРАССАСИДА

Тонг отиши блан ок автостанцияда комфортабель автобусларни рейсга тайёрлаш ишлари авж олади.

Биргина Тошкент—Мирзачўл трассаси бўйича 13 дизель ва 20 га яқин машина қатнайди. Бу автобус ва дизельларда ҳар куни 10 мингдан 15 минггача одам ташилади. Область бўйича эса 100 автобус қатнаб, ҳар куни ўрта ҳисобда 100 минг кишига хизмат кўрсатилади. Шунингдек, Ленинободга ҳам машина қатнаб турмоқда.

Бу трассада қатновчи автобусларнинг энг яхши ҳайдовчилари И. Алиев 235 минг километр ва М. Аганесов 196 минг километр масофани машиналарини капитал ремонт қилмай, босиб ўтдилар.

В. КОПИТОВА.

ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Яқинда «Пишчевик» стадионида Тошкент шаҳар биринчилиги учун «Урожай» ва Канон фабрикаси физкультура коллективларининг футболчилар командалари учрашдилар.

Ўйиннинг биринчи ярмида Канон фабрикаси футболчилари уюшқоқлик блан ўйнаб, рақибларининг дарвозасига икки тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Ўйиннинг иккинчи ярмида «Урожай» командаси бирмунча активлашади ва фабрика футболчилари дарвозасига бир тўп киритадилар. Учрашув 2:1 ҳисоби блан фабрика футболчилари фойдасига ҳал бўлди.

СУД ЗАЛИДАН

Заёмфуруш жазоланди

Тошкентдаги «Ҳолминзаг»нинг қоровули бўлиб ишловчи Зиё Тошмуҳаммедов ўлига ёрдамчи иккинчи касб танлади. У заёмфурушлик қилиб жон қойитмасдан текин томоқ топиш ва шахсий мулкини кўпайтиришга берилиб кетди. Текинхўр Тошмуҳаммедовнинг заёмфурушлик «фаолияти» 1951 йилдан бошланди. У, ҳаркимни алдаб давлат заёмининг юз сўмини 6 — 8 сўмдан сотиб олаверди. Унинг бу «фаолияти» тезда аниқланди ва Тошмуҳаммедов жиноят устида қўлга тушди.

Текшириш натижасида Тошмуҳаммедовнинг уйидан икки процентли давлат заёмидан 175.825 сўмлик, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учинчи давлат заёмидан 1550 сўмлик, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш тўртинчи давлат заёмидан 89.925 сўмлик, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешинчи давлат заёмидан 29.125 сўмлик, 1951 йилда чиқарилган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат заёмидан 116.180 сўмлик, 1952 йилда чиқарилган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат заёмидан 88 минг 50 сўмлик, 1953 йилда чиқарилган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат заёмидан 9.200 сўмлик, 1954 йилда чиққарилган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат заёмидан 12 минг 50 сўмлик, ҳаммаси бўлиб 521 минг 905 сўмлик заём топилган.

Шу йил 15 август куни Октябрь район 2-нчи участка халқ суди текинхўрлик блан шуғулланиб юрган Зиё Тошмуҳаммедовнинг жиноий ишини кўриб чиқди. Тошмуҳаммедов судда ўз қилмишларига тўла иқрор бўлди. Суд заёмфуруш Тошмуҳаммедовнинг уйидан топилган заёмлар ва 2900 сўм пул, шунингдек омонат кассасида жамғарган 9900 сўм жамғармасини давлат фойдасига ўтказиш, мол-мулкини мусодора қилиш ҳамда уни уч йил муддат блан аҳлоқ тузатиш меҳнат лагерига юборишга, муддатни ўтаб чиққач икки йилгача сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 30 ва 31/VIII да **Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг** янги программада **хайрлашув концертлари.** Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (Кундуз соат 12 дан кеч 8 гача), НАВОИЙ номли (кеч соат 8 гача), «ИСКРА» (эрталаб соат 9—40 минутдан кеч соат 8—40 минутгача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — янги бадиий фильм **Князь қизи Мери.**

«РОДИНА» (кеч соат 10 да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 4 да) — **Опасингил Раҳмоновалар** (рус тилида).

НАВОИЙ номли — кеч соат 10 да **Партбилет.**

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Севги ёши,** 3-нчи залда кундуз соат 4—20 минутда **Нишонли атомлар.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси.**

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «УДАРНИК», КИРОВ номли — **Князь қизи Мери.**

«ХИВА» — **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА 1955 — 56 йил мавсуми ОЧИЛАДИ

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 36262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 06771 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. №А — 1495